Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти
КУТУБХОНАСИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ГАЗЕТАСИ

Дам олиш сонида

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 17 (9.209) 1999 йил 12 февраль, жума ◆ Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ

Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● 11 февраль куни Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация Кенгашининг раиси Егор Строевнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида кенг миқёсли ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, икки мамлакатнинг парламентлариаро алоқаларини ривожлантириш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қароргоҳнинг музокаралар залида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов Россия Федерациясининг расмий делегацияси аъзолари билан учрашди.

Шундан сўнг қароргоҳнинг музокаралар залида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерацияси Федерал мажлиси расмий делегацияси аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация Кенгашининг раиси Егор Строев раҳбарлигидаги ушбу мамлакат делегациялари аъзолари мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Ўзбекистон Миллий боғига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, пойтахт марказидаги Ўзбекистон академик рус драма театрига ташриф буюрди. Шу билан Егор Строев раҳбарлигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси раёсатида ўтказилган илмий-амалий конференция Президентимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига қайтарган жавобларида илгари сурилган миллий ғоя ва демократик жамият тараққиёти муаммоларига бағишланди.

● Республика матбуотида Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси эълон қилинди.

● Самарқандда бўлиб ўтган вилоят фаолларининг йиғилиши тиббиётни ривожлантириш масалаларига бағишланди.

● Жарқўрғон туманида «Меҳнат-роҳат» янги гузари фойдаланишга топширилди.

ЖАҲОНДА

● Россия Федерацияси Бош прокуратураси Самара вилояти ички ишлар бошқармаси биносида рўй берган ёнғин бўйича жиноий иш қўзғади.

● Франция Президенти Жак Ширак билан Германия канцлери Герхард Шрёдер учрашувида томонлар, жумладан, Косово можароси юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашди.

● **Кеча** Тбилисида грузин-абхаз можаросини бартараф этиш бўйича навбатдаги музокаралар бўлиб ўтди.

● Чоршанба куни кечқурун Америка авиацияси Ирок жанубидаги ҳаво мудофаасига қарши иншоотлар бўйлаб янги зарбалар берди.

● **Кеча** Белоруссия Президенти Александр Лукашенко Ижевскда бўлиб, икки томонлама манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболлари билан танишди.

● **Кеча** Эрон Ислом Жумҳуриятининг миллий байрами — Инқилоб куни нишонланди.

● Хитой Таиланд билан расмий алоқалар ўрнатган Македония билан дипломатик алоқаларини узди.

● **Кеча** ГФР федерал канцлери Герхард Шрёдер қисқа муддатли ташриф билан Вашингтонга борди.

● **Кеча** Ватикан давлати 70 ёшга тўлди.

«ҚЎНҒИРОҚЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ»

Азиз муштарийлар! Навбатдаги ошкора мулоқотимиз душанба куни — 15 февралда бўлади. Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар хусусида 133-99-42 рақамли телефонга соат 16 дан соат 18 гача қўнғироқ қилинг. Газета мухбири Очил Ҳазратов сизлар билан мулоқотда бўлади.

ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

ЭЛ УЧУН МЕҲНАТ ҚИЛСАНГ...

...Отаси унинг қўлига илк бор искана ва болға тутқазганида Саидмалик ҳали соддагина бола эди. Отасидан бу касбнинг сир-асрорларини ўрганиши борасида унинг бу ҳунарга меҳри орта бошлади. Чунки отаси Саидмаликни ўз ишининг моҳир устаси бўлиб етишишини истарди. Шунинг учун уни ўймакорлик ва ганчкорлик ишининг устаси Мақсуд Қосимовга шогирдликка берди. Бу Саидмалик учун катта ҳаёт мактаби бўлди.

Мустақил ишлаш пайти етганда Саидмалик 1972 йили Юнусобод туманидаги 104-мактаб-интернатда меҳнат таълими фанидан дарс бера бошлади. Бунда унга отаси ва устозининг ўргатган ҳунари, техникумда олган таълими жуда қўл келди. Мана, 36 йилдирки, Саидмалик Азимов ана шу даргоҳда ёшларга ўймакорликдан гўзал ҳунарнинг сир-асрорларини ўргатиб келмоқда. Бу давр ичида ундан бу ҳунар сирларини ўрганган, ўзини унинг шогирди санайдиган ёшлар пойтахтимиздаги кўпгина иншоотларни безашда ўз маҳоратларини намоён этмоқдалар.

Саидмалик Азимовнинг ўзи ҳам бир зум тинч ўтирмайди. Бугунги кунда 5- ва 6-синфлар учун у ёзган меҳнат таълими бўйича дарсликлар умумтаълим мактабларида ўқитилмоқда. Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан 4-, 7-, 8-синфлар учун Саидмалик Азимов ёзган меҳнат таълими дарслиги нашрга тайёрланмоқда. Бундан ташқари жонкуяр ўқитувчи ўқитувчилар учун ҳам услубий қўлланмалар яратган. Ана шу фидойи хизматлари учун Саидмалик Азимовга Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси юксак унвони берилди. Унга бу унвон берилгани ҳақидаги хабарни эшитганда ёдида отасининг унга айтган шундай ўгити жонланди: «Меҳнат қилсанг, эл учун қил, шунда халқ сени бошига кўтаради».

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

СУРАТДА: Саидмалик Азимов ўз ўқувчилари билан.

Рустам Шарипов олган сурат.

БУГУН

☑ *Шаҳримизнинг одам гавжум жойларида сотилаётган китоблар ўзбекчилигимизга тўғри келадими?*

2-бетда.

☑ *«Эрталаб кўрдиларким малика Мунаввархеҳра йўқдур. Анвархоҳ ҳам ғойиб бўлибдур. Ҳаммалари оҳу нолалар бирлан тараддудга тушдилар...»*

3-бетда

☑ *Навбатдаги янги ҳафта ҳам бошланмоқда. Хўш, келгуси ҳафтада «Ойнаи жаҳон» орқали қандай мароқли кўрсатувлар намойиш этилади?*

4-, 5-, 6-бетларда

☑ *Бобур подшоҳ туғилган саккиз юз саксон саккизинчи йил, муҳаррам ойининг олтинчи кунини Улуғбекнинг уламоларидан бири Мавлоно Мунир Марғилоний унинг таваллуд тарихини «шаши муҳаррам», яъни муҳаррамнинг олтиси деб топди...»*

7-бетда

☑ *Қўшни ким ва қайси миллат бўлишидан қатъи назар уни ҳурмат қилмоқ ва қўшни ҳақ-ҳуқуқини адо қилмоқ одамийлик хислатларидан биридир.*

8-бетда

Анжуманлар

ТАЪЛИМНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессори Муҳаммаджон Қуронов сўзга чиқиб, бугунги кунда ўзбек халқи жаҳондаги барча халқлар билан бир қаторда чиқиб олгани, энди ўзини намоён этмоқ чоғи етгани, бунинг учун аввало ёш авлод онгига миллий ғояни сингдириш, таълим-тарбия мазмунини миллий услублар билан бойитиш, уларни мафкуравий таҳдиддан сақлаш лозимлиги ҳақида Президентимиз жуда тўғри таъкидлаганини гапирди. Сўнгра Тошкент шаҳар Ўқитувчилар малакасини ошириш институти услубчиси Мукаррама Мўйдинова ёш авлодни Ватанга муҳаббат, элга садоқат ҳисси билан тарбиялашда уларга кўҳна тарихимизни ҳаққоний тарзда англатишимиз кераклиги ҳақида сўзлади.

Шунингдек йиғилишда бир қанча таълим соҳаси ходимлари қатори Юнусобод туманидаги 103-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Ғаниева Президентимиз ўз жавобларида таъкидлаганларидек, таълим-тарбия борасида ўқитувчиларга катта масъулият юкланиши ва ана шу соҳадаги вазифалар ҳақида гапирди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров сўзга чиқди.

Марат РАҲМОНОВ.

Теннис

ДЭВИС КУБОГИ БАҲСЛАРИ БОШЛАНДИ

Юртимизга катта теннис кириб келди —

БУГУН

Юнусобод теннис кортларида теннис бўйича терма жамоалар ўртасида норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланмиш Дэвис Кубогининг Осиё — Океания минтақаси биринчи гуруҳ жамоалари — Ўзбекистон ва Покистон теннис усталари ўртасидаги баҳслар бошланди.

Ўйновчи мураббий — жамоа сардори Темур Ғаниев бошчилигидаги Олег Огородов, Вадим Куценко ва Дмитрий Томашевич каби теннис усталаримиз Дэвис Кубоги баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

КЕЧА

қурьа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унинг натижаларига кўра бугун Олег Огородов Покистоннинг иккинчи ракеткаси Муҳаммад Холиқ билан, Вадим Куценко эса Ойсам ул Хак Куреши билан беллашади.

Шанба куни О. Огородов — В. Куценко жуфтлиги Муҳаммад Холиқ ва Ойсам ул Хак Курешилар жуфтлиги билан ўзаро куч синашади.

14 февраль куни О. Огородов — Ойсам ул Хак Куреши, В. Куценко — Муҳаммад Холиқлар ўртасидаги ҳал қилувчи беллашувлардан сўнг голиб терма жамоа аниқланади ва у кейинги босқичда дунё гуруҳига чиқиш учун Япония жамоаси билан учрашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

ПОЙТАХТ ҲАЁТИ: янгиликлар, воқеалар, муаммолар

Таълим

ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДКОРЛИГИ МАВЗУИДА

Тошкент шаҳар қўшимча таълим марказида «Ўқитувчининг шахсий ижодкорлигидан ўқувчининг шахсий ижодкорлигига» мавзуида шаҳар мактаб ва мактабдан ташқари муассасалар ходимлари анжумани бўлиб ўтди.

Унда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, «Экосан», «Камолот», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилиши йўлидаги муаммолар, хусусан бу борада ёш авлоднинг дарсдан ташқари вақтини мазмунли ўтказиш, тўгараклар ишини жонлантириш, аниқ йўналишларни белгилаш асосий мунозара мавзуси бўлди. Бундан ташқари йиғилишда яқинлашиб келаётган «Болалар санъати — 2000» халқаро фестивали ҳамда шаҳар иқтидорли болаларнинг 8-слётини ўтказишга тайёргарлик масалалари ҳам муҳокама этилди.

Мурод РАҲИМОВ.

Чилонзор туманидаги қайта таъмирланиб шинам ва қулай ҳолга келтирилган 51-болалар шифохонаси яна аҳоли хизматига киришди. Аввалари бу масканда 17 минг гўдак соғлиғини муҳофаза этган бўлса, эндиликда бу миқдор 3 мингтага кўпайди. Бунда юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишга асосий эътибор қаратилган.

Суратли ахборот

БОЛАЛАРГА СОВҒА

— Янги тиббий масканда амалга оширилган яна бир ишимиз кундузги шифохона бўлимидаги ўринларни икки баравар кўпайтириб, 12 тага етказганимиздир, — дейди бош шифокор Заҳро Расулхўжаева. — Бу ерда болалар ўз оналари билан биргаликда даволанишади. Шифохонамизда тиббиётнинг барча мутахассислари, хусусан окулист, эндокринолог, невропатолог, ортопед каби шифокорлар меҳнат қилишади. Бундан ташқари ушбу масканда соғлом бола хонаси, стоматология, функционал ташхис қўйиш, муолажа хоналари ҳам мавжуд. Келажакда жисмоний машқлар ва гиёҳлар билан даволаш, массаж, ЛФК хоналарини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Болалар ўлимини камайтириш мақсадида уларни перинатал марказга юбориш, ҳомиладор аёлларнинг саломатлигини мунтазам кузатиб бориш йўлга қўйилган. Бунда аёллар туғишгача ва ундан кейин доим тиббий назоратда бўладилар. Шунингдек, сал каттароқ болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳам зиммамизда. Фаолиятимиз жараёнида мутахассисларимиз малакасини ошириб бориш доимий эътиборда бўлмоқда. Ёш шифокорлар маҳоратини ошириш билан эса бош шифокор ўринбосари Адиба Ҳайдарова, бўлим мудирлари Жамила Жўраева, Виличбек Бешимовлар шуғулланишади.

Шифохонанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Равшан Султонов, «Дўмбробод», Усмон Юсупов номли маҳаллалар оқсоқоллари А. Абдуллаев ва Ш. Юсуповлар сўзга чиқиб, бундай тадбир юртимизда тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишда қўйилган яна бир қадам эканини таъкидладилар.

Мажид РАИМОВ.

СУРАТЛАРДА: янги очилган шифохона фаолиятидан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Кўргазмалар

ҚИЗИҚИШ КАТТА

Ўзбекистон Давлат Санъат музейида таниқли мусаввир Сергей Алибековнинг рангтасвир асарлари кўргазмаси муваффақият билан намойиш этилмоқда.

Моҳир мусаввирнинг номини нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам яхши билишади. Чунки унинг асарларини Россия, Грузия, Америка Қўшма Штатлари, Италия, Голландия, Германия, Греция ва бошқа кўплаб давлатлар музейларида учратиш мумкин.

Сергей Алибековнинг асарлари ўзига хос бадиий стилистикаси билан ажралиб туради. У ўз асарларида миллий урф-одатларимизни, маънавий қадриятларимизни юксак маҳорат билан чукур талқин этади. Кўргазмага рассом ўзининг кейинги ўн йил мобайнида яратилган 30 га яқин асарларини қўйган. Бу ерга ташриф буюрган санъат ихлосмандлари, албатта, яхши таассурот олишмоқда.

Шоҳида БОБОЕВА.

Кино

САМИМИЙ ВА БЕТАКРОР

Шундай бетакрор асарлар, бадиий фильмлар бўладики йиллар, ҳаттоки асрлардан кейин ҳам томошабинлар назаридан қолмайди. Аксинча, йиллар ўтган сари мухлислар эътиборини ўзига тортаверади. Ана шундай бадиий фильмлардан бири яратилганига 35 йил бўлган «Ёр-ёр»фильмидир. Режиссёр Али Ҳамроевнинг ушбу фильмида туғма талант соҳиби Сойиб Хўжаев ҳамда Бахтиёр Ихтиёровларнинг ролларини зўр маҳорат билан ижро этиши, улардаги соддалик ва самимийлик фильмнинг сайқалланишига, халқимиз орзиқиб, севиб томоша қилишларига ўша пайтидаёқ замин яратган.

Бу фильм ўзининг томошабинларга илиқлик, самимият бахш этишини яна бир бор исботламоқда.

Назира НАЗАРОВА.

Саноат

БУЮРТМАЧИЛАР САФИ ОРТМОҚДА

«Подъёмник» ҳиссадорлик жамияти маҳсулотларига бўлган талаб ошиб бормоқда.

Ўтган йили ушбу корхона 200 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлаб, ўсиш суръатини юз фоиздан ошириб адо этган эди.

Яқинда корхона хизматчилари «ЎзДЭУ» автокорхонаси, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, Тахиатош ГРЭСи буюртмасига асосан уларга белгиланган шартномадаги кўп қувватли кўтариш мосламаларини тайёрлаб берган эдилар. Айни кунларда улар «Тошметрокурилиш», Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги буюртмаларини бажаришга киришдилар.

Маҳмуд ОРИПОВ.

Тарбия

МАКТАБДА ЯССАВИЙХОНЛИК

Яқинда Акмал Икромов туманидаги Аҳмад Яссавий номли 203-мактабда бўлиб ўтган анжуман «Аҳмад Яссавий ахлоқий поклик ва яхшилик учун қайтурган донишманд» деб номланди.

Анжуманни мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Муҳайё Абдушукурова олиб борди. Ушбу тадбирда мактаб ота-оналар қўмитаси раиси, профессор Карим Назаров сўзга чиқиб, Аҳмад Яссавий меросининг аҳамияти ҳақида тўхталди. Айниқса, мактаб ўқувчилари томонидан ижро этилган ҳикматлар, Яссавий ҳаётига оид саҳна кўринишлари, тасаввуф шеърият султони ҳақидаги қимматли фикрлари анжуман иштирокчиларида бой таассурот қолдирди.

Шунингдек, таниқли адабиётшунос Суйима Ғаниева, Тошкент Давлат университети профессори Ҳамидулла Болтабоевлар Яссавий меросининг тарбиявий аҳамияти ҳақида тўхталдилар.

Дилноза ГИЁСОВА.

Кулончаклик билан ёзилган

БОЗОРИ ЧАҚҚОН, ЛЕКИН...

Шаҳримизнинг одам гавжум жойларида китоб савдоси билан шуғулланаётган тадбиркорларни кўплаб учратишингиз мумкин. Бу албатта, яхши. Аммо сиз ахтарган мавзудаги китоблар бу савдо дўконларидан топиладими?

Кузатган бўлсангиз, бу китобларда кўтарилган мавзуларнинг йўналиши, ғоявий аҳамияти бугунги давр талабига қанчалик мос, бу китоблар ўқувчиларга, яъни ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига қай даражада таъсир қилиб, қайга йўналтиради, ундаги кўтарилган масалалар бугунги ҳаётимизга, урф-одатларимизга тўғри келадими?

Ғарбдан турли ахлоқий бузуқ, урди-сурди, олди-қочди ва шунга ўхшаш мавзудаги видеокассеталар, газета-журналлар ва китоблар Ўзбекистонга ҳар хил йўллар билан кириб кела бошлади. Натижада ушбу китобларнинг бозори чаққон бўлиб, ўз ўқувчиларини топиб улгурди. Аслидачи? Бундай мавзудаги асарлар жамият ривожланишига, унинг талабларига асло жавоб бермаслиги ҳеч кимга сир эмас. Ва айни пайтда ўзбекчиликка мутлақо тўғри келмайди.

Хуллас, гап китобларнинг қайси тилда ёзилганлиги ва уларнинг Ўзбекистонда сотилаётганлигида эмас, балки ўзбекона миллий мафкурамиз, мустақиллигимизни тараннум этиб ёзилган китобларнинг камлигидадир. Тадбиркорларимиз Ўзбекистонда чоп этилаётган янги китоблардан ҳам олиб, китоб савдосини маънавий томонга-да бойитсалар биз китобхонлар жуда хурсанд бўлур эдик.

Одил ҲАСАНОВ.

ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИ

Донишмандлар хазинасидан

МУНАВВАРЧЕҲРА ВА САРСАБИЛ ҚИССАСИ

(Давоми. Боши газетанинг 14-сонида)

Шундай деб, отға миниб подшоҳнинг олдига борди. Шоҳ илтифотлар бирлан юқоридан жой кўрсатди. Шоҳ кўрдики, шайхнинг пешонасида қаттиқ яра бордур, шоҳ дарҳайрат бўлиб сўрадики бул нечук ҳодисадурки сизда кўринур. Шайх оҳузорлар айлаб малика Мунавварчеҳрадин шикоятлар айлаб, йўқ ердаги бўҳтонларни қилдиким, ҳечким бировга мундоқ ишларни соғинмағай. Бул кеча таррорлар (ўғри) малика тарафидин мундоғ ситамлар айладилар деб, оҳу нолалар айларга турди. Гўёки шоҳни бошига тоғ қулади, камоли ғазабидин жаллодга буюрдики ул гийсубуридани пора-пора айлаб, устухонларини куйдиргайлар. Бу аснода малика Зебочеҳранинг бир қадрдон надими ҳозир эрди. У Мунавварчеҳрани кўтариб катта қилган эрди. Ул ўрнидин туриб дедики, шоҳо бул хизматни менга беринг, жаллод номаҳрамдур, сизга ёмон иснод бўлғудек ном қилмағай, зеро маликани мен парвариш қилгандурман. Шоҳларга заифалар қонини тўкмоқлик муносиб эмасдур. Мен олиб бориб биёбонга ташлаб келайин, ўлим ҳукми бўлғай. Шоҳ буюрдики, бўлмаса андоғ қилғил! Ул надим айтдиким, агар маликамнинг дили пок, иши тўғри бўлса оллоҳ инояти бирла ўзига паноҳ топғай, вагарна хилофгар бўлса мундин ёмонроқ офатларга йўлиқур деб, Хожа Вафонинг уйиға келиб, малика Мунавварчеҳрани чодирапўш айлаб, отға миндириб бир саҳроға олиб борди ва йиғлай-йиғлай ул ерга қўйиб дедиким, эй нуридийдам, агар қилмишинг ростлиғ (тўғрилик) бўлса албатта рўшноликка чиқурсан деб, ташлаб кетди. Малика Мунавварчеҳра саҳрода танҳо қолди, неча кунлар саргардон бўлиб, кеча-кундуз оҳ-нолалар айлаб, очлик ва ташналиқдан қуввати кетиб бир ерда ўликдек беҳуш бўлиб йиқилиб қолди. Офтоб қиёмға келганда малика ҳушиға келди.

Бағдод шоҳининг ўғли шаҳзода Сарсабил ўз тенгқурлари бирлан шикорда (овда) эрди. У эрта бирлан отға миниб, лочин қушини ов учун ҳавога учирди. Аммо лочин овға боқмай ҳавода чарх уриб айланаберди, шаҳзода ҳарчанд чақирди келмади, биёбон тарафига қараб учиб кетди. Бу лочинни шаҳзода кўп дўст тутар эрди, анинг орқасидан от солиб борур эрди. То қиём пайтиғача йўл юрдилар. Хизматкорлар орқада қолиб кетдилар. Лочин бир дарахтга қўнди, шаҳзода ҳам ул дарахтнинг соясига етиб отдин тушди. Кўрдиким, бир чашма ҳам бордур.

Ул сувдан ичиб, энди лочинни чақирмак бўлганда, лочин бир тарафга қараб ҳадеб талпинаберди. Шаҳзода ҳайрон бўлиб ул тарафға боқиб кўрдиким икки юз қадамча нарида бир қора нарса кўринадур, во-ажабо деб, шамширини қўлига олиб ул қорага яқин етиб кўрдики одамга ўхшайдур. Аммо ўликдек ётибдур, шамширини қизнинг димоғига тутди ва билдики ҳали тирикдур. Кўтариб дарахт остига олиб келди, оҳисталик бирлан оғзига сув томизди. Қиз андак фурсатдан сўнг ўзига келди ва кўзини очиб, шаҳзодани кўриб ўрнидин туриб, тавозеъ бирлан салом берди. Шаҳзода хуржиндан таомлар олиб қизни олдига қўйиб, очликдин фориғ қилди.

Шаҳзода қизга қараб ажабланиб, мунчалик ҳуснў латофат бирдан бул балохез биёбонда сарсон-саргардонлиғни маъниси нимадур? — деди. Малика дедики, ўн уч ёшдадурман, ҳалигача номаҳрамни кўрган эмас эрдим, мени ҳам номаҳрам кўргани йўқдур. Бул дамда Оллоҳ таолонинг ризоси бирлан сизни кўзим кўрди энди хоҳласангиз канизингиздурман, агар жойингиз яқин бўлса мени олиб бориб никоҳингизга киритинг, сўнгра саргузаштимдан хабардор бўлурсиз, деди. Шаҳзода хушҳол бўлиб, отининг орқасига миндириб, лочинни қўлига олиб, келган йўлига қараб равона бўлди. Намозшомга яқин хизматкорларига етди. Маликани алоҳида маофига ўтқизиб, шаҳрига олиб кириб бир яхши жойга қўйиб, ўз ота-отасига маълум қилди. Малика йўл асносида барча қиссасини, наслу насабини шаҳзодага баён қилган эрди.

Бағдод шоҳи бир неча кайвоний ёши улуғ аёлларни йиғиб, маликани имтиҳон айламоқ учун жўнатди. Ул хотинлар ҳар бобдин сўз юритиб кўрдилар, маликадин ҳеч бир нуқсон топмадилар. Шаҳзоданинг онаси ҳам неча хил шевалар билан синаб кўрди, ҳамма сўзлари, феъллари мақбул бўлди. Охир тўй-томошолар бирлан саъид соатда малика Мунавварчеҳрани шаҳзода Сарсабил никоҳиға киритдилар. Малика Мунавварчеҳра ўрда аёлларининг барчасини ўзига ром қилган эрди.

Алқисса, Оллоҳ таоло малика Мунавварчеҳрага ҳомилани лойиқ кўрди. Ул ҳомиланинг вақти соати етиб, бир ўғил таваллуд топди, ҳусн-жамолда онасидин икки ҳисса ортиқдур. Шоҳ ва шаҳзода хушҳол бўлишиб, ҳайрот эшигини катта очдилар. Болага Анваршоҳ деб исм қўйдилар. Анваршоҳ кундан-кунга улғайиб борур эрди. Сарсабилшоҳ ҳар куни бир кўрмаса имкони йўқ эрди. Анваршоҳни ўрда хотинлари ҳар куни бир марта кўриб, ҳусн-жамол томошоси қилур эрдилар. Анваршоҳ беш ёшга етди, аммо ўн ёшдагиларнинг ишини қилур эрди.

Алқисса, бир куни малика Мунавварчеҳранинг эсига отаси Хожа Вафо тушиб, оҳи дардолуд тортди. Шаҳзода Сарсабил Анваршоҳ бирла ўйнашиб ўлтириб эрди, маликанинг оҳи жигарсўзидин огоҳ бўлиб сўрадики, эй роҳати жоним, бу нечук оҳу надоматдурки зуҳурга келди. Малика ростлиғ бирлан аҳволини баён айлади ва ўрнидин туриб дуо қилиб илтимос айладики, бир марта бориб отаси ва бобосини кўриб келурга рухсат бергай. Шаҳзоданинг раҳми қилиб шоҳга арз айлади. Отаси ҳам розилиғ берди. Тараддуд айлаб икки юз жангжўй йигитларни тайёрлаб, сафар асбобини амода айлар Эрон шоҳига лойиқ ҳадялар, Хожа Вафога муносиб ҳадяларни тайёрлаб, шоҳ ўз вазирзодасини саркор айлаб, Анваршоҳ бирлан онаси учун бўлак тажаммуларни соз айлаб, беш-ўн адад қария хотинларни ҳамроҳ этиб, олти ойлик муҳлат бирлан шоҳ ва шаҳзода бир-икки манзилга ҳамроҳ бўлиб кузатиб, ўзлари Бағдодга қайтдилар. Ул икки юз одам малика маофасини кўриқлаб борур эрдилар. Ҳар эрга кўнсалар маликанинг чодирини ўртага олиб етур эрдилар. Ниҳоят бир ойлик йўл юрдилар.

Алқисса, бир кеча ой ўн тўрт кунлик бадр (ёруғ, ойдин) кеча эрди. Саҳролар ой нуридин чароғон эрди. Ярим кечада малика Мунавварчеҳра азбаройи қазойи ҳожат учун чодирдин чиқди, унинг ҳусни ойдинда барқ урарди. Шул вақт вазирзоданинг кўзи маликага тушди. Мундоғ ҳуснжамолни кўриб шайдоси бўлди, андоғ бетоқат бўлдики, шамширини олиб кўкрагига қўйди, албатта ўлмак яхшидур, деди. Ўшал заҳоти шайтон дедики, эй нодон, ҳамма иш ва ихтиёр ўз қўлингдадур, бехуда ўлмакнинг маъниси йўқдур. Маликани олдиға босиб кирғил, коми дил олғил деди. Вазирзода дарҳол ўрнидин туриб малика чодирига кирди. Малика Мунавварчеҳра уйғониб, огоҳ бўлиб дедиким, кимсан? Вазирзода оҳисталик бирлан дедики, мен фалони ғуломингдурмен. Сенинг жамоли бокамолингни бир мартаба кўрмоқ бирлан шундоғ балоларга қолдим, энди менинг ҳолимга раҳм айлаб, бодаи висолингдин сероб этмасанг ушбу шамшир бирлан аввал сени, сўнгра ўзимни ҳалок айлагайман, деб қаттиқ тутди. Малика кўрдики иш бу ерга етибдур, додламоқни ҳам вақти ўтган, ёмон ишни ҳам қилмоқ душвордир. Ниҳоят, малика дедики, агар муддаонинг бахридин ўтолмасанг, аввал Анваршоҳни шаҳид айлагил ва бул ерга кўмғил, андин сўнг муродингни мандин тилагил деди. Бул сўзни айтишдан маликанинг мақсади бу эрдики, вазирзода албатта бундай ёмон ишга қўл урмагай деб, ўйлаган эрди. Аммо нобакор вазирзода дарҳол чаққонлик бирлан Анваршоҳнинг бошини танидин жудо қилди ва ўша ернинг ўзида туфроққа топширди. Малика бу ишни кўриб жигари юз пора бўлди ва вазирзодага боқиб дедики, эй саркор вазирзода, бул мурод ишни эртанги манзилга қўйғилик, зеро мен ҳозир мотамдадурмен ҳамда тонг отиш вақти яқиндур деб, яхши сўзлар бирлан вазирзодани чодирдан чиқариб юборди. Шундан сўнг ўз-ўзига дедики, бул кеча бу савдолар бошимга тушди, эрта тонг отса яна қандай воқеалар содир бўларкин деб, дарҳол ўрнидин туриб эркакча либосларни кийиб, юзидаги ҳолларни ҳам ранг бериб беркитиб, бир оз нақдина ва таомдин олиб хуржинга жойлаб, ташқарига чиқди. Анваршоҳнинг оти якка михда тайёр турган эрди, хуржинни ул от устига ташлаб, устига миниб биёбон йўлига равона бўлди. Муножот бадаргоҳи қозияҳожат айлаб дедиким, покопарвардигоро бул заиф мушгипарни аҳволи сенга маълумдур, фазлу иноятингни раҳнамун айлагил деб, отнинг тизгинини тутмасдан, таваккални ҳақнинг ўзига қилиб борур эрди. То қиём вақти бўлди, бир чашмага етди. Ул чашма лабига тушиб сувдин ичиб, худойи таолога шукроналар қилди, ул кеча ул чашмада тунади.

Эрталаб кўрдиларким малика Мунавварчеҳра йўқдур. Анваршоҳ ҳам ғойиб бўлибдур. Ҳаммалари оҳу нолалар бирлан тараддудга тушдилар. То беш-олти кунгача ҳеч ердан хабар топмадилар. Ноилож ул ердан Бағдодга қараб юрдилар. Шоҳ бирлан шаҳзода бу машъум хабардин зерузабар бўлиб, ҳамма тобеълари бирлан мотамсаро бўлиб, фироқ ўтида сўзон бўлдилар. Алалхусус, шаҳзода девона бўлиб анча кунлар ейиш-ичишдан, уйқу ва оромдан бегона бўлди. Охири бетоқат бўлиб, отаси хизматиға кириб дедиким, уй меҳрибоним ота, менга оқ фотиҳа берсангиз, беш-ўн кун сайру саёҳат айласам бўлмағундекдур, деб илтижо қилди. Шоҳ айтдики, сабр айлағил, тажаммули сафар айлаб хазина ва аскарлар бирлан йўлга чиқиб оламни томоша қилсанг бўлур деди. Шаҳзода дедики, ҳозир бир фотиҳа берсангиз басдур. Шоҳ кўрдики, тўхтатиб бўлмас. Охири ноилож фотиҳа берди. Шаҳзода ҳаммадин розилик тилаб, қаландархонага келиб, ўзининг бош-оёқ кийимини бир қаландарға бериб, унинг кулоҳ ва жандасини кийиб, пиёдагардлик асбобларини соз айлаб турган маҳалда ул вазирзодаи тузҳаром ҳам қулоҳжандани эгнига кийиб шаҳзодага қўшилди. Шаҳзода кўп манъ айлади, бўлмади, охир икковлари йўлга тушдилар.

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

(Давоми бор)

Бу китобда ҳаммамизнинг манфаатларимиз кўзланган. Равиль Альбеков олган сурат.

Ибратнома

Суқрот ҳаким айтади:

— Қўпол муомала қилган кишига мен мулойим муомала қиламан. Чунки мулойим муомала ва тавозе қўполлик ва хусуматни битиради, лекин кишини ожизлик ва хўрликка тушрадиган ортиқча тавозе ва ҳилмдан ҳазар қиламан.

* * *

Донолардан бири дейдики:

— Эй одам, сен онадан туғилган вақтингда йиғлаб дунёга келдинг, аммо атрофингдагилар қуларди. Энди сен жамият учун фойдали одам бўлиб етиш, халқнинг ҳурмат, муҳаббатига сазовор бўл. Дунёдан ўтар экансан, атрофингдагилар йиғлаб қоладилар, аммо сен кулиб кетарсан, чунки қилган гўзал ишларингни жамият унутмайди, номингни ҳурмат билан эслайди.

* * *

Абу Райҳон Беруний ташқи ва ички гўзаллик тўғрисида сўзлаб, шундай дейди:

— Ташқи гўзаллик, қиёфадаги жамол — булар иккови ҳам ёқимли бўлиши керак, одамлар ўзаро учрашганларида ушбу гўзал жамолни кўришга рағбат қиладилар... Лекин шакл чиройи она қорнида ато қилинади, уни ўзгартириш ҳеч бир зотнинг қўлидан келмайди.

Аммо хулқ-атворига келсак, уни инсоннинг ахлоқ китобларида айтилган йўллар воситасида даволаб, тарбиялаб, гўзал-покиза тутиб, ёмон ҳолларга туширмаслик мумкин.

* * *

Тўрт нарса кўнгилдаги орзуларни рўёбга чиқаради: ғайрат, шижоат, матонат, ҳиммат.

Тўрт нарса тадбиркорлик белгиси: бошга тушган оғирликни сабру тоқат ва тадбир билан енгиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, дўстларнинг насиҳат ва маслаҳатларига қулоқ солиш, фурсатни қўлдай бой бермаслик.

Тўрт нарса ҳаммага маъқул ва мақбул: шарм-ҳаё, қаноат, раҳм-шафқат, мурувват.

Тўрт нарса одамга роҳат бахш қилади: очиқ юзли ва ширин сўзли бўлиш, тежамли хотин, самимий дўст, ҳалол меҳнат.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА тайёрлади.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР



ДУШАНБА, 15

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Ахборот".

***

8.40 "Ўзлик". Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 "Ўзбектелефильм" намойиши этади. "Чорбоғ манзаралари".
9.20 "Қишлоқ ҳақида ўйлар".
9.40 "Оламга саёҳат".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Қундуз амакининг қиссалари". Мультсериал.
10.20 "Жаҳон киноси юлдузлари".
10.40 Кундузги сеанс. "Метичара — денгиз жонивори". Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.40 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
13.00-14.00 "Изҳор". Мусиқий-дам олиш дастури.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 "Тўртинчи ҳокимият".
18.30 "Ислоҳот одимлари".
18.45 "Бир наво истар кўнгил". Мусиқий дастур.
19.05 "Мувозанат". Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 МУЛОҚОТ: "ТАРИХНИ АНГЛАШ ВА МИЛЛИЙ МАФКУРА".
22.10 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 1-серия.
23.20 "Олам қўшиққа тўлсин". Мусиқий дастур.
23.50 "Ахборот".
00.20 "Кусто командасининг сувости саргузаштлари". Телесериал. 21-қисм.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" студияси намойиш этади ("Қувноқ учрашув", «Мультгомоша»)
18.40 "Муғанний".
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Сурур". Мусиқий дастур.
19.40, 20.30, 22.30 Эълонлар.
19.45 "Изкиябр Заррас". Телесериал.
20.35 "Жаҳон". Халқаро шарҳ.
20.55 "О, ёшлигим...".
21.20 «Темурнома». Видеофильм. 1-қисм.
21.40 Мусиқий лаҳзалар.
21.45 "Кулгига нима етсин".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.35 Синема. "Қойилмақом жиҳоят".
00.05 Араб эстрадаси.
00.20 "Хайрли тун!"

ЎзТВ III

17.55 "ДАРАКЧИ".
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 "Сен ҳақингда ва сен учун" (рус тилида)
18.25 Телефакт (рус тилида)
18.35 "Ташналик". Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Талабларга биноан".
20.20 Манзарали фильм.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Таггерт". Телесериал.
21.55 "Телефакт".
22.05 "Дорихона эшитади...".
22.35 "ДАРАКЧИ".
22.45 "Спорт-тайм".
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Саргузашт фильмлар экрани.
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV

14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 "Дил изҳори".

***

15.05-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

***

16.10 Кундузги сеанс. "Шафқатсиз адолат". Бадиий фильм.
17.40 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)

***

18.10 Клип-антракт.

***

18.15 "Бу эрмак жониворлар".

***

18.45 "Мультсайёра".

***

19.05 Душанба куни Познер билан. "Биз" дастури.

***

19.45 "Асори-атиқалар". Сериал.

***

Россия жамоат телевидениеси
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".

***

21.35 "Муҳаббат тарихи". Телесериал. 195-қисм.
22.20 "Оламда нима гап?" Ахборот кўрсатуви.
22.25 "Вақт хазинасидан".
22.40 "Замонавий дизайн".
23.00 "Вести".
23.30 Киносеанс. «Миллий балиқ ови» хусусиятлари». Бадиий фильм.
01.00 "Ахборот" (рус тилида)
01.25-01.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

Соат 15.00 га қадар линияда профилактика.

15.05, 18.00, 20.10, 01.15 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Олов ғилдираги». Телесериал (Бразилия).
16.00 «Эсдалик учун дастхат». Мусиқий-дам олиш дастури.
16.30 «Нано». Телесериал (Аргентина).
17.15 «Карапуз-ТВ».
17.40 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал (АҚШ).
18.20 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.30 «Оқ тўти» клуби. Ҳажвий дастур.
19.00 «Қора марварид». Телесериал (Аргентина).
19.45 «СПОРТ».
20.35 «Клип-совға».
21.30 «Юлдузлар чарақлаган душанба».
23.15 «Умрбод». Сериал (Мексика).
24.00 «Бедорлик».
01.00 Тунги мусиқий канал.

РЖТ

Ҳурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан соат 15.00 га қадар каналда танаффус.

15.00, 18.00 — Янгиликлар.
15.15 «Синбоднинг янги саргузаштлари». Сериал.
15.40 Мультфильм.
15.55 «Юлдузли онлар».
16.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.00 «Қаҳри қаттиқ фариштa». Сериал.
18.15 «Бу эрмак жониворлар».
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.05 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
19.45 «Мангу даъват». Телесериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 Кристофер Ламберт «Тоғлик-III» жангари фильмида.
23.30 «Нигоҳ».
00.15 Шу кунниng янгиликлари.
00.30 Михалков ва унинг командаси: Алексей Петренко. «Грачлар» фильми.

РДТ

7.00 «Хайрли тонг, Россия!».
9.15, 00.40 — «Навбатчи қисм».
9.35 «Кўрсатувлар дастури». Телеўйин.
9.50 «Товарлар — почта орқали».
10.00 «Санта-Барбара».
10.45 «Мусиқа, мусиқа».
11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 23.55 — «Вести».
11.30 «Петербург сирларининг ечими». Телесериал.
12.30 «Кўзгу».
13.30 «ТВ клуби».
14.30 «Венеция қишда». Телесериал (Франция). 1-серия.
15.25 «Бойлар ва машҳурлар». Телесериал.
16.15 «Рус лотоси».
17.35 «Минора». Ёшлар ахборт-дам олиш дастури.
18.00 «Компьютер».
18.15 Мультфильмлар.
18.30 Борис Химичев, Игорь Ледогоров, Игорь Шавлак «Ов мавсуми» телесериалида.
19.30 «Иккиёклама портрет».
20.30 «Тафсилотлар».
20.45 «Бир-бокишда муҳаббат».
21.20 Дональд Сазерленд «Ортиқча нарса йўқ» комедиясида (АҚШ).
23.10 «Пси фактор». Телесериал.

ТВ-6

8.55 «Кундан-кунга».
10.40, 18.35, 01.20 — «Йўл назорати».
11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 20.00, 01.25 — «ТСН-6».
11.20, 20.30 — «Қўёшнинг учинчи сайёраси». Ҳажвий сериал. 26, 27-серияла.
11.40 «Star старт».
12.20, 18.10 — Мультфильмлар.
12.30, 14.05, 17.10, 18.55 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
13.10 «Обозреватель» таҳлилий кўрсатуви.
14.15, 02.35 — «Сифат белгиси».
14.30 «Нью-Йорк, Нью-Йорк».
15.10 «ТВ-6» кинотеатри. «Чарли Чаплиннинг комедиялар тўплами».
17.20 «Шаддод Роза». Сериал. 7 ва 8-сериялар.
18.25 «Деграсси кўчасидаги юқори синф ўқувчилари». Сериал.
19.05, 02.00 — «Диск-канал».
20.55 «Полинезия саргузаштлари». Сериал. 21-серия.
22.00 Шу кунниng янгиликлари.
22.30 «ТВ-6» кинотеатри. Любовь Орлова ва Сергей Столяров «Цирк» комедиясида.
00.15 «Одамлар оламида».
00.50 «Ҳафта ҳалокатлари ва урушлари».
01.45 «Кимки».
02.40 — 03.00 «Севсанг-қара». Видеоклиплар.

СЕШАНБА, 16

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".

***

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 "Бастакор илҳоми". Мусиқий дастур.
9.10 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 21-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 "Қундуз амакининг қиссалари". Мультсериал.
10.50 "Зиё". Бадиий-публицистик кўрсатув.
11.30 "Мактублар — кабутарлар".
12.05 "Назорат".
12.25 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.
12.50 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм. 1-серия.
14.10-14.50 "Дўстлик" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. "Гулғунчалар".
18.25 "Сиҳат-саломатлик".
18.45 "Ҳунарманд". Тележурнал.
19.05 "Ислоҳот ва масъулият".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Иқтисодиёт чорраҳаларида".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 **МУЛОҚОТ: "КУЧЛИ ДАВЛАТДАН-КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ".**
22.10 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 2-серия.
23.20 "Саньатим — саодатим". Мусиқий дастур.
23.45 "Ахборот".
00.15 "Саҳна ҳаёти".
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 21-қисм.
18.45 "Ёшлар" канали — менинг каналим».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.45, 20.35, 23.25 Эълонлар.
19.50 "Изкиябр Заррас". Телесериал.
20.40 "Марду-майдон".
21.00 "Енмаган ёзувлар".
21.20 «Темурнома». Видеофильм. 2-қисм.
21.40 "Мунисам".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 Ватан ифтихори: Р.Қосимжоновнинг шахмат партиялари.
22.50 "Премьерадан сўнг...".
23.10 "Шарқ эстрадаси".
22.30 "Интерфутбол". Ҳафтадаги энг яхши ўйин.
01.00 "Хайрли тун!"

ЎзТВ III

17.55 "ДАРАКЧИ".
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 Болалар учун. "Энди эртак бошланади".
18.25 "Ташналик". Телесериал.
19.15 "Сен ҳақингда ва сен учун".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Таянч".
20.20 "Ҳиндистондан салом!" Мусиқий тўплам.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Таггерт". Телесериал.
21.55 "Сухбатдош". Публицистик кўрсатув.
22.15 "Туризм ҳақида". Ҳафталик шарҳ.
22.45 "ДАРАКЧИ".
22.55 Бу — джаз.
23.15 "Бешинчи ўлчов".
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 "Кинонигоҳ".
01.25 "Хайрли тун, шаҳрим!"

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00

***

14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 "Ассалом, Франция!"

***

15.05-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

***

16.10 Кундузги сеанс. "Италияликларнинг Россиядаги саргузаштлари". Бадиий фильм.
17.40 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
18.05 Клип-антракт.

***

18.15 "Куйини топинг".

***

18.45 "Мультсайёра".

***

19.05 "Мавзу".

***

19.45 "Асори-атиқалар". Сериал.

***

Россия жамоат телевидениеси
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".

***

21.35 "Муҳаббат тарихи". Телесериал. 196-қисм.
22.20 "Оламда нима гап?" Ахборот кўрсатуви.
22.25 "Бу — Хитой".
23.00 "Вести".
23.30 Киносеанс. "Қасоскор кит". Бадиий фильм.
00.55 "Ахборот" (рус тилида)
01.20-01.25 "Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

8.05, 13.50, 18.00, 20.10, 01.15 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
8.30 «Қулупнайжон». Ҳажвий сериал.
9.00 «Кинононушта».
10.30 «Бержерак». Детектив телесериал (Англия).
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Ёввойи мушук». Телесериал (Бразилия).
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Олов ғилдираги». Телесериал.
16.00 «Кино оламида». Ахборотдам олиш дастури.
16.30 «Нано». Телесериал.
17.15 «Карапуз-ТВ».
17.40 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.20 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.30 «Фаройиб воқеалар». Телесериал (АҚШ).
19.00 «Қора марварид». Телесериал.
19.45 «СПОРТ».
20.35 «Клип-совға».
21.30 «Оилавий кино».
23.15 «Умрбод». Сериал.
24.00 «Бедорлик».
01.00 Тунги мусиқий канал.

РЖТ

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 24.00 — Шу кунниng янгиликлари.
9.15, 17.00 — «Қаҳри қаттиқ фариштa». Сериал.
11.05 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
11.50 «Хонаки кутубхона».
12.00, 15.00, 18.00 — Янгиликлар.
12.15 «Биргаликда» дастури.
13.00 Михалков ва унинг командаси: Евгений Стеблов. «Оилавий шароитга кўра». Комедия. 1-серия.
14.10 «Хотиралар оғриғи». Афғон саҳифалари.
14.35 Мультсериал.
15.15 «Синбоднинг янги саргузаштлари». Сериал.
15.40 Мультфильм.
15.50 «Бахтли тасодиф».
16.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Куйини топинг».
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.05 «Мавзу».
19.45 «Мангу даъват». Телесериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 Михалков ва унинг командаси: Марина Неелова. «Сен билан ва сенсиз...».
23.20 Ф. Громова «Хотин-қизлар билан содир бўлган воқеалар» дастурида.

РДТ

7.00 «Хайрли тонг, Россия».
9.15, 01.30 — «Навбатчи қисм».
9.35 «Кўрсатувлар дастури». Телеўйин.
10.00 «Санта-Барбара».
10.45 «Мусиқа, мусиқа...».
11.00, 13.00, 17.00, 20.00, 00.45 — «Вести».
11.30 «К-2» таништиради.
14.30 Виталий Соломин ва Елена Соловей «Бевафо хотин» мелодрамасида.
16.00 Мультфильмлар.
16.25 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
17.35 «Автомотоспорт: қишки халқа йўли».
18.30 Борис Химичев, Игорь Ледогоров, Игорь Шавлак «Ов мавсуми» телесериалида.
19.30 «Иккиёклама портрет».
20.30 «Тафсилотлар».
20.45 «Аншлаг» таништиради.
21.20 Стивен Кингнинг «Энг юқори тезликда» триллери (АҚШ).
23.05 Чекланган совет қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқиб кетилганлигининг 10 йиллигига бағишланган концерт. Кремль Давлат саройидан олиб кўрсатилади.
01.45 «Товарлар — почта орқали».

ТВ-6

8.55 «Кундан-кунга».
10.45, 19.40, 01.35 — «Йўл назорати».
11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 20.00, 01.50 — «ТСН-6».
11.10, 02.00 — «Кимки».
11.25, 20.30 — «Қўёшнинг учинчи сайёраси». Ҳажвий сериал. 27, 28-сериялар.
11.50, 20.55 — «Полинезия саргузаштлари». Сериал. 21, 22-сериялар.
12.45, 14.05, 17.10, 18.50 — Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
13.10 «СВ-шоу».
13.40 «Мазаси оғзингда қолади» кўрсатуви.
14.15, 02.45 — «Сифат белгиси».
14.30 «Ҳафта ҳалокатлари ва урушлари».
15.10 «ТВ-6» кинотеатри. Николай Крючков, Михаил Жаров «Бахтли рейс» комедиясида.
17.20 «Шаддод Роза». Сериал. 9, 10-сериялар.
18.10 Мультфильм.
18.25 «Деграсси кўчасидаги юқори синф ўқувчилари». Сериал.
19.10, 02.15 — «Диск-канал».
22.00 Шу кунниng янгиликлари.
22.30 Артур Крупенин шоуси.
23.25 «Рей Брэдбери» театри.
00.25 «Одамлар оламида».
01.00 «Ингичка мовий чизиқ». Ҳажвий сериал. 5-серия.
03.00 — 04.50 Тунги сеанс. «Итлар» (Польша).

ЧОРШАНБА, 17

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".

***

8.30 Лирик тароналар.
8.55 "Ўзбектелефильм" намойиш этади. "Тошкент таровати".
9.05 "Алломаш авлодлари". Спорт дастури.
9.20 "Остонаси тиллодан". Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Талаб ва таклиф".
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 "Рақслар гулдастаси".
11.20 "Дилхирож". Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.05 "Қўшиғим, жон қўшиғим".
12.35 "Қундуз амакининг қиссалари". Мультсериал.
12.50 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм. 2-серия.
14.10-14.40 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 "Дунё адабиёти".
18.30 "Тафсилот".
18.50 Экран куйлари.
19.05 "Шаҳар бедарвоза эмас".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Таълим-тарбия миллий дастури — амалда".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 Мулоқот: **"ДИН-ДИЁНАТ ДУНЁСИ".**
22.10 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 3-серия.
23.20 "Янграсин шўх яллалар".
23.45 "Ахборот".
00.15 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 22-қисм.
01.05-01.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" студияси намойиш этади ("Спорт майдончаси", «Келинг, танишайлик», «Мультгомоша»)
18.40 "Вернисаж".
18.55 Клип-антракт.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Дил рози".
19.35 "Ракурс". Анор Назаров.
20.00 "Спорт-лотто"
20.10 «Лаззат».
20.30, 23.15 Эълонлар.
20.35 "Ринг".
20.50 "Рақслар қанотида".
21.10 «Авторейд».
21.20 «Темурнома». Видеофильм. 3-қисм.
21.40 "Эркин фикр".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 «Сиз севган хонанда». Козим Қаюмов.
22.55 «Ҳаммаси мода ҳақида».
23.20 Синема. «Террорчилар шаҳри».
00.45 "Хит-коллекция".
01.00 "Хайрли тун!"

ЎзТВ III

17.55 "ДАРАКЧИ".
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 "Ерилтош". Мульттўплам.
18.25 "Ташналик". Телесериал.
19.15 "Усто". Телелавҳа.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Номаълум Бухоро". Телефильм.
20.20 Ёқимли оҳанглар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Таггерт". Телесериал.
21.55 "Менинг Тошкентим!" Муаллифлик кўрсатув.
22.25 Мусиқий танаффус.
22.30 "ДАРАКЧИ".
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Видео-"О".
00.20 "Умр йўлдоши".
01.10 "Хайрли тун, шаҳрим!"

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00

***

14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 "Дурдаршан".

***

15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

***

16.10 Кундузги сеанс. "Ё ҳаёт, ё мамот". Бадиий фильм.
17.50 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)

***

18.15 "Куйини топинг".

***

18.45 "Мультсайёра".

***

19.05 "Инсон ва қонун".

***

19.45 Телесериал. "Яхши йигитлар". Роберт Де Ниро (АҚШ)

***

Россия жамоат телевидениеси
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".

***

21.35 "Муҳаббат тарихи". Телесериал. 197-қисм.
22.20 "Оламда нима гап?" Ахборот кўрсатуви.
22.25 "Монитор Осиё".
22.40 "Дил изҳори".
23.00 "Вести".
23.30 Киносеанс. "Мутахассис". Бош ролда С. Сталлоне.
01.10 "Ахборот" (рус тилида)
01.35-01.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

8.05, 13.50, 18.00, 20.10, 01.15 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
8.30 «Қулупнайжон». Ҳажвий сериал.
9.00 «Кинононушта».
10.30 «Бержерак». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Ёввойи мушук». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Олов ғилдираги». Телесериал.
16.00 «Даракчи». Мусиқий-дам олиш дастури.
16.30 «Нано» Телесериал.
17.15 «Карапуз-ТВ».
17.40 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.20 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.30 «Тасодифий гувоҳ». Ҳажжатли сериал.
19.00 «Қора марварид». Телесериал.
19.45 «СПОРТ».
20.35 «Клип-совға».
21.30 «REN TV синематикаси»
23.15 «Умрбод». Сериал.
24.00 «Бедорлик».
00.50 Тунги мусиқий канал.

РЖТ

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 00.15 — Шу кунниng янгиликлари.
9.15, 17.00 — «Қаҳри қаттиқ фариштa». Сериал.
10.10 «Мавзу».
10.55 «Ҳайвонот оламида».
11.30 Мультфильм.
11.50 «Хонаки кутубхона».
12.00, 15.00, 18.00 — Янгиликлар.
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.00 Михалков ва унинг командаси: Евгений Стеблов. «Оилавий шароитга кўра». Комедия. 2-серия.
14.15 Дм. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
14.30 Мультсериал.
15.15 «Синбоднинг янги саргузаштлари». Сериал.
15.45 «Чанғалзорлар даъвати».
16.10 Болалар учун латифалар.
16.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Куйини топинг».
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.45 «Мангу даъват». Телесериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 Михалков ва унинг командаси: Леонид Куравлев. «Афоня». Комедия.
23.25 «Америкаликлар Ойда».
23.50 «Джаз оламида».

РДТ

7.00 «Хайрли тонг, Россия!».
9.15, 00.35 — «Навбатчи қисм».
9.35 «Кўрсатувлар дастури». Телеўйин.
9.50, 01.45 — «Товарлар — почта орқали».
10.00 «Санта-Барбара».
10.45 «Мусиқа, мусиқа...».
11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 23.50 — «Вести».
11.30 «Петербург сирларининг ечими». Телесериал.
12.30 «Жониворлар ҳақида мулоҳотлар».
13.30 «ТВ клуби».
14.30 «Венеция қишда». Телесериал. 2-серия.
15.20 «Бойлар ва машҳурлар». Телесериал.
16.15 Мультфильмлар.
16.25 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
17.35 «Минора». Ёшлар ахборот-дам олиш дастури.

(Давоми 5-бетда).

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 4-бетда).

18.10 «Компьютер».
18.30 Борис Химичев, Игорь Ледогоров, Игорь Шавлак «Ов мавсуми» телесериалида.
19.30 «Иккиёклама портрет».
20.30 «Тафсилотлар».
20.45 «Ўз-ўзига режиссёр».
21.15 Лембит Ульфсак, Олег Борисов, Владимир Зельдин, Наталья Гундарева, Аркадий ва Борис Стругацкийларнинг «Бунинг хоҳиш истаклари» фантастик драмасида.
22.50 «Муғомбир». Телесериал.
00.50 «Автошоу».

ТВ-6

17.00 га қадар профилактика.

17.00, 20.00, 01.45 — «ТСН-6».
17.10, 18.55 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
17.20 «Шаддод Роза». Сериал. 11, 12-сериялар.
18.10 Мультфильм.
18.25 «Деграсси кўчасидаги юқори синф ўқувчилари». Сериал.
19.10, 02.10 — «Диск-канал».
19.45, 01.30 — «Йўл назорати».
20.35 «Куёшнинг учинчи сайёраси». Ҳажвий сериал. 29-серия.
20.50 «ТВ-6» кинотеатри. Р. Мур, К. Кардинале «Афинага қочиш» фильмида. 1-серия.
21.00 Шу куннинг янгиликлари.
22.30 «Мен ўзим» ток-шоуси.
23.25 «Котил даъвати». Сериал.
00.25 «Одамлар оламида».
01.00 «Бис». Ҳажвий дастур.
01.55 «Кимки».
02.45 «Сифат белгиси».
02.55 — 04.20 Тунги сериал. «Энг эҳтиросли ҳайвон».

ПАЙШАНБА, 18

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".

***

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 "Қўшиқ — маънавият кўзгуси". Мусиқий дастур.
9.10 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 22-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Меҳр қолур".
10.25 "Чемпион билан учрашув". Спорт дастури.
10.40 "Юртим".
"Умид" намойиш этади:
10.55 "Кичкинтоймиз-гижингтоймиз".
11.20 "Оталар сўзи-ақлнинг кўзи" почтасидан.

***

12.05 "Жавоҳирлар хазинаси". Адабий кўрсатув.
12.30 "Инсон ва замин". Тележурнал.
12.50 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм. 3-серия.
14.10-14.40 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 "Бир қадам".
18.30 «Олтин тўп». Теннис клуби.
18.45 "Харита". Халқаро шарҳ.
18.40 "Дунё адабиёти".
19.00 "Ҳидоят сари".
19.25, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
19.55 "Юзма-юз".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.55 "Ахборот".
21.05 Мулоқот. **"САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ, ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК"**
22.10 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 4-серия.
23.20 "Севги сурури". Мусиқий дастур.
23.50 "Ахборот".
00.20 "Сомон йўли".
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 22-қисм.
18.55 «Мушоира».
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Қўшиқ умри пойиндор". Муҳиддин Қориёқубов хотирасига бағишланади.
19.55, 20.45, 23.10 Эълонлар.
20.00 "Изкувар Заррас". Телесериал.
20.50 "Ўтган кунлар".
21.10 «Ёшлар» телеканали тақдим этади. И.Каримов. «Баркамол авлод орзуси».
21.30 "Ёшлик формуласи".
21.45 "Сохибкиронни ёд этиб..." Мусиқий дастур.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Обид-шоу".
23.15 Синема. "Фазодаги маҳбуслар".
00.45 "Хайрли тун!"

ЎзТВ III

17.55 "ДАРАКЧИ".
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 "Ёрилтош". Мульттўплам.
18.20 "Ташналик". Телесериал.
19.10 "Билиб қўйган яхши".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Ханда дўкони".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Оқибат". Телесериал.
21.55 "Тошкент ва тошкентликлар".
22.10 "Бевосита мулоқот".
22.50 "ДАРАКЧИ".
23.00 "Яхши кайфият.
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Киноногоҳ.
01.20 "Хайрли тун, шаҳрим!"

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00

*

14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 "Табиат билан танишув".

*

15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

16.10 Кундузги сеанс. "Ўлимга тенг олишув".
17.40 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
18.10 Клип-антракт.

*

18.15 "Куйини топинг".

*

18.45 "Мультсайёра".

*

19.05 "Йўқотилганларни изланг..."

*

19.45 Телесериал. "Яхши йигитлар". 2-серия.

*

Россия жамоат телевидениеси
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".

*

21.35 "Муҳаббат тарихи". Телесериал. 198-қисм.
22.20 "Оламда нима гап?" Ахборот кўрсатуви.
22.25 Спорт-клуб.
22.40 "Кино сайёраси".
23.00 "Вести".
23.30 Кинематограф. «Вулқон».
01.00 "Ахборот" (рус тилида)
01.25-01.30 Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

8.05, 13.50, 18.00, 20.10, 01.15 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар».
8.30 «Қулупнайжон». Ҳажвий сериал.
9.00 «Кинононушта».
10.30 «Бержерак». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Ёввойи мушук». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Олов ғилдираги». Телесериал.
16.00 «Мусиқаймоқ». Мусиқийдам олиш дастури.
16.30 «Нано». Телесериал.
17.15 «Карапуз-ТВ».
17.40 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.20 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.30 «Альфред Хичкок таништиради...». Детектив сериал (АҚШ).
19.00 «Қора марварид». Телесериал.
19.45 «СПОРТ».
20.35 «Клип-совға».
21.30 «Кўнгирок қила туриб, томоша қил».
23.15 «Умрбод». Сериал.
24.00 «Бедорлик».
00.50 Тунги мусиқий канал.

РЖТ

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 00.10 — Шу куннинг янгиликлари.
9.15, 17.00 — «Қаҳри қаттиқ фариштa». Сериал.
10.15 «Инсон ва қонун».
10.55 «Саёҳатчилар клуби».
11.40 Мультфильм.
11.50 «Хонаки кутубхона».
12.00, 15.00, 18.00 — Янгиликлар.
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.00 Қора тойчоқ «Галаба сари йўл» саргузашт фильмида.
15.15 «Синбоднинг янги саргузаштлари». Сериал.
15.45 «Қойилмақом давра».
16.05 «Сезам кўчаси».
16.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Куйини топинг».
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.05 «Йўқотилганларни излаб». Наталья Зашчипина. Кўрсатувни Г. Скороходов олиб боради.
19.45 «Мангу даъват». Телесериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 Михалков ва унинг командаси: Владимир Ильин. «Даллоллар». Комедия.
23.25 Никита Михалков С. Шолоховнинг «Осойишта уй» дастурида.
23.52 Тамара Гвардцители куйлайди.

РДТ

7.00 «Хайрли тонг, Россия!».
8.20 «Ле Монти» савдо уйи.
9.15, 00.55 — «Навбатчи қисм».
9.35 «Кўрсатувлар дастури». Телеўйин.
9.50, 01.10 — «Товарлар — почта орқали».
10.00 «Санта-Барбара».
10.45 «Мусиқа, мусиқа...».
11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 00.10 — «Вести».
11.30 «Петербург сирларининг ечими». Телесериал.
12.30 «Жониворлар ҳақида мулоқотлар».
13.30 «ТВ клуби».
14.30 «Венеция қишда». Телесериал. 3-серия.
15.20 «Бойлар ва машҳурлар». Телесериал.
16.15 Мультфильм.
16.25 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
17.35 «Минора». Ёшлар ахборот — дам олиш дастури.
18.10 Москва ва Бутун Рус Патриархи Алексий II таваллудининг 70 йиллигига. «Патриарх йўли». Видеофильм.
18.30 Борис Химичев, Игорь Ледогоров, Игорь Шавлак «Ов мавсуми» телесериалида.
19.30 «Иккиёклама портрет».
20.30 «Тафсилотлар».
20.45 «Икки рояль». Мусиқали — дам олиш дастури.
21.30 Чак Норрис «Суқунат кодекси» жангари фильмида (АҚШ).
23.25 «Иш кўрилмоқда».

ТВ-6

8.55 «Кундан-кунга».
10.45, 19.40, 01.30 — «Йўл назорати».
11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 20.00, 01.45 — «ТСН-6».
11.10, 01.55 — «Кимки».
11.25, 20.25 — «Куёшнинг учинчи сайёраси». Ҳажвий сериал. 29, 30-сериялар.
11.50, 20.50 — «ТВ-6» кинотеатри. Р. Мур, К. Кардинале «Афинага қочиш» фильмида. 1-серия.
13.10 «Котил даъвати». Сериал.
14.00, 16.10, 17.10, 18.55 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
14.15, 02.40 — «Сифат белгиси».
14.30 «Сиз — шоҳидсиз».
15.10 «ТВ-6» кинотеатри. Жесика Ланг «Қизиган томдаги мушук» фильмида. 1-серия.
16.30 «Юлдузлар юлдузлар ҳақида». Лев Готовцев.
17.20 «Шаддод Роза». 13, 14-сериялар.
18.10 Мультфильм.
18.25 «Деграсси кўчасидаги юқори синф ўқувчилари». Сериал.
19.10, 02.10 — «Диск-канал».
22.00 Шу куннинг янгиликлари.
22.30 «ОСП-студия».
23.25 «LEXX-II». Сериал.
00.25 «Одамлар оламида».
01.00 «Обоззz» шоуси.
02.55 — 03.25 «Қовға даври». Иван Канонов билан.

ЖУМА, 19

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".

***

8.30 Дутор ва танбур тароналари.
8.55 "Зийнат".
9.15 "Кундуз амакининг қиссалари". Мультсериал.
9.30 "Ишқнома". Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Ботма, қуёш". Публицистик кўрсатув.
10.30 Немис тили.
11.00 Ҳ.Муҳаммад. "Сеҳрли танбур". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
12.05 "Ўзбекистон фуқароси".
12.25 "Мусиқа билан сирлашиб". Мусиқий дастур.
12.50 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм. 4-серия.
14.10-14.40 "Нафосат". Тележурнал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.25 "Адолат мезони".
18.45 "Сени Ватан кутади!"
19.05 "Имконият".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Аруз гулшани".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 Мулоқот: **"ХОТИРА ВА МИЛЛИЙ ҒОЯ".**
22.10 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 5-серия.
23.20 "Қўшиққа кўчган сатрлар". Мусиқий дастур.
23.45 "Ахборот".

"Мунаввар дунё". Дам олиш дастури.

00.15 "Валийлар сардори". Бадиий фильм.
01.45-01.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" студияси намойиш этади ("Дунё ва болалар", «Мультгомоша»)
18.35 Ҳужжатли кино бисотидан. "Қора-кул".
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Стандарт ва сифат".
19.45, 20.35, 22.50 Эълонлар.
19.50 "Изкувар Заррас". Телесериал.
20.40 "Ҳамкорлик".
20.55 "Ҳуқуқ ва бурч".
21.10 "Наволарда аён этсам". Мусиқий дастур.
21.25 "Автосалтанат".
21.35 "Азизим".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.35 «Шарқ оҳанглари».
23.55 Синема. "Босс". Комедия.
00.25 "Мунаввар тонг истаб!"

ЎзТВ III

17.55 ДАРАКЧИ.
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 "Ёрилтош". Мультўплам.
18.35 "Ташналик". Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Спорт оламида".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Оқибат". Телесериал.
21.55 "Нодир хазина". Телефильм.
22.10 "Фаровонлик бекати".
22.50 "ДАРАКЧИ".
23.00 "Мусиқий сайёра". Телешоу.
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 "Киноногоҳ".
01.40 "Хайрли тун, шаҳрим!"

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00

*

14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 Мюзик-холл.

*

15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

16.10 Кундузги сеанс. "Бевафолик оқибати". Бадиий фильм.
17.40 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
18.10 Клип-антракт.

*

18.15 "Жентельмен-шоу".

*

18.45 "Мультсайёра".

*

Россия жамоат телевидениеси
19.15 "Сиҳат-саломатлик".
19.45 "Мўъжизалар майдони".
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".

*

21.35 "Муҳаббат тарихи". Телесериал. 199-қисм.
22.20 "Оламда нима гап?" Ахборот кўрсатуви.
22.25 "Дурдаршан".
23.00 "Вести".
23.30 Оскар совриндорлари антологияси.
23.45 "Кинематограф. "Сакқиз ярим". Бадиий фильм.
01.20 "Ахборот" (рус тилида)
01.45-01.50 "Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

8.05, 13.50, 18.00, 20.10, 01.40 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар».
8.30 «Қулупнайжон». Ҳажвий сериал.
9.00 «Кинононушта».
10.30 «Бержерак». Детектив телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Ёввойи мушук». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Олов ғилдираги». Телесериал.
16.00 «Висол». Мусиқий дастур.
16.30 «Нано» Телесериал.
17.15 «Карапуз-ТВ».
17.40 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.20 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.30 «Пляж». Саргузашт сериал (АҚШ).
19.00 «Қора марварид». Телесериал.
20.35 «Клип-совға».
21.30 «Ҳафта фильми».
23.15 «Умрбод». Сериал.
24.00 «Бедорлик».
01.00 Тунги мусиқий канал.

РЖТ

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 00.30 — Шу куннинг янгиликлари.
9.15, 17.00 — «Қаҳри қаттиқ фариштa». Сериал.
10.15 В. Познернинг «Биз» дастури.
10.55 «Йўқотилганларни излаб». Наталья Зашчипина. Кўрсатувни Г. Скороходов олиб боради.
11.40 «Смак».
12.00, 15.00, 18.00 — Янгиликлар.
12.15 «Биргалашиб» дастури.
12.55 «КВН-99». Сочида Х «КИВИН» фестивали.
15.15 Мультфильм.
16.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Жентльмен-шоу».
18.45 «Янгра, гармонь!»
19.15 «Сиҳат-саломатлик».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 Буюк изкуварлар: Коломбо «Китоб бўйича қотиллик» детективида.
23.10 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. 15 км. Хотин-қизлар.
00.45 Тунги кинозал. Курт Расселл «Газаб мавсуми» детективида.

РДТ

7.00 «Хайрли тонг, Россия!».
8.15 «Минг бир кун».
9.15, 00.35 — «Навбатчи қисм».
9.35 «Кўрсатувлар дастури». Телеўйин.
9.50, 02.45 — «Товарлар — почта орқали».
10.00 «Санта-Барбара».
10.45 «Мусиқа, мусиқа...».
11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 23.50 — «Вести».
11.30 «Петербург сирларининг ечими». Телесериал.
12.30 «Жониворлар ҳақида мулоқотлар».
13.30 «ТВ клуби».
14.30 «Венеция қишда». Телесериал. 4-серия.
15.20 «Бойлар ва машҳурлар». Телесериал.
16.05 Мультфильмлар.
16.25 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
17.35 «Минора». Ёшлар ахборот-дам олиш дастури.
18.10 «Компьютер».
18.30 Борис Химичев, Игорь Ледогоров, Игорь Шавлак «Ов мавсуми» телесериалида.
19.30 «Иккиёклама портрет».
20.30 «Тафсилотлар».
20.45 «Шаҳарча». Дам олиш дастури.
21.20 Кирил Лавров, Алла Демидова ва Наталья Белохвостикова «Бир стакан сув» авантюра фильмида.
00.50 Чарли Шин Оливер Стоуннинг «Взвод» фильмида (АҚШ).

ТВ-6

8.55 «Кундан-кунга».
10.45, 19.40, 00.50 — «Йўл назорати».
11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 20.00 — «ТСН-6».
11.10, 01.15 — «Кимки».
11.25, 20.30 — «Куёшнинг учинчи сайёраси». Ҳажвий сериал. 30, 31-сериялар.
11.50 «ТВ-6» кинотеатри. Р. Мур, К. Кардинале «Афинага қочиш» фильмида. 2-серия.
13.10 «LEXX-II». Сериал.
14.00, 16.45, 17.10, 18.55 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
14.15 «Сифат белгиси».
14.30 «Obozzz» шоуси.
15.10 «ТВ-6» кинотеатри. Жесика Ланг «Қизиган томдаги мушук» фильмида. 2-серия.
17.20 «Шаддод Роза». Сериал. 15, 16-сериялар.
18.10 Мультфильм.
18.25 «Деграсси кўчасидаги юқори синф ўқувчилари». Сериал.
19.10 «Диск-канал».
20.55 «Бенни Хилл шоуси».
22.00 Шу куннинг янгиликлари.
22.30 «ТВ-6» кинотеатри. Э. Эстевес, К. Бейтс, М. Шин «Уй жанги» фильмида.
01.35 «Радиохит».
02.40 — 04.25 Тунги сеанс. «Хитой шоколади» (Канада).

ШАНБА, 20

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".

***

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 "Мусиқа бўстони". Телеальманах.
9.10 "Диёр".
9.45 Кундузги сеанс. "Одам амфибия". Бадиий фильм.
"Умид" намойиш этади:
11.15 "Очиқ дарс".
11.35 "Бола бошидан".
12.00 "Қувноқлар ва зукколар".

***

12.50 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм. 5-серия.
14.00 "Жараён".
14.30 "Ўзбекистон спортининг нуфузи".
14.45 "Бўстон". Тележурнал.
15.15-15.35 "Дўстлик" видеоканали. "Шарқ тароналари".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. "Бешбармоқ".
18.25 "Иқтисод ва биз".
18.50 "Бахтли воқеа".
19.25, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.20 "Жаҳон спорти".
20.30 "Ахборот".
21.05 Мулоқот: **"ИТТИФОҚМИЗКИ СИЁСИЙ ҮЙИН".**
22.10 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 6-серия.
23.20 "Келин-куёв". Телешоу.
00.10 "Ахборот".

"Тунги ёғду". Дам олиш дастури.

00.40 "Парадизо" кинотеатри. Бадиий фильм.1-қисм.
01.35-01.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 "Янги авлод" студияси намойиш этади.
9.05 "Каркидонлар". Маърифий дастур.
9.50 "Сурур". Мусиқий дастур.
10.00 "Ҳуш келибсиз!"
10.15 «О, ёшлигим...»
10.40 «Мафтункор чеҳралар».
11.00 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 21-қисм.
11.40 "Сиз севган хонанда". Гулбаҳор Эркулова.
12.00 "Рақурс".
12.25 "Баҳодир шоҳ Зафар". Телесериал. 2-қисм.
13.10 "Равнақ".
13.25 "Сир".
13.40 "Рақслар қанотида".
14.00 «Кунг-фу тарихи». Телесериал.
14.45 «Мушоира».
14.55 Мусиқий лаҳзалар.
15.05 Синема.
16.40 "Жаҳон жуғрофияси".
17.30 "Спорт ҳафтаномаси".
17.50 Мусиқий дастур.

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" студияси намойиш этади ("Уй вазифаси", «Мультгомоша»)
18.40 "Қалбим ардоғи". Мусиқий дастур.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Йирик планда".
19.45, 20.30, 22.55 Эълонлар.
19.50 "Баҳодир шоҳ Зафар". Телесериал. 3-қисм.
20.35 Мусиқий лаҳзалар.
20.45 "Бизнес-академия".
21.05 Киноконцерт.
21.20 "Баҳс, мунозара, таҳлил..."
21.40 "Мусиқа теграсида".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Сенинг вақтинг".
23.00 Синема. "Захарланиш".
00.30 "Хайрли тун!"

ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Ёрилтош". Мультўплам.
9.15 "Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари". Телесериал.
10.00 "Муаллиф".
10.30 Болажонлар экрани.
12.00 "Ханда дўкони".
12.25 "Бева Бланка". Телесериал.
13.10 "Билиб қўйган яхши".
13.25-15.00 "Киноногоҳ".

***

17.55 "ДАРАКЧИ".
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 "Ёрилтош". Мультўплам.
18.20 "Табиат шифохонаси".
18.30 "Қонун химоясида".
18.40 "Мирза Голиб". Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Янги ой чиқан кеча".
20.20 Дилором наволар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Тасанно".
21.30 "Даллас". Телесериал.
22.20 "Кимлар туфайли".
22.50 "ДАРАКЧИ".
23.00 "Дўстлик" видеоканали. "Чинсэн".
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 "Киноногоҳ".
01.30 "Хайрли тун, шаҳрим!"

ЎзТВ IV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 "Кино сайёраси".
9.25 Кинематограф. «Вулқон». Бадиий фильм.
11.15 "Муҳаббат дарси".
11.20 Жаҳон спорти янгиликлари (инглиз тилида)
11.50-12.05 «Келажакни кўзлаб».

***

17.10-18.40 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

Россия жамоат телевидениеси
18.40 "Кумушранг серия". «Табиб».
21.00 "Время".

*

21.35 "Биргаликда куйлаймиз".
22.20 "Бугуннинг аёли".
22.40 "Мусиқий Олимп".
23.05 Киносеанс. Мартин Скорсезенинг "Дахшат кўрфази" фильми.
00.10 "Ахборот" (рус тилида)
00.35-00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

8.05 Ҳужжатли кино соати.
9.00, 13.50, 18.00, 20.10, 01.50 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар».
9.25 Болалар канали.
10.00 «Киноэрталар».
11.20 «Коинот назорати». Болалар учун сериал.
11.45 «Ханда-танаффус».
12.00 «Тушки кино».
14.10 «Мактаб ўқитувчиси». Телесериал (Франция).
15.00 «Ҳинд киноси».
17.15 Мультфильмлар.
17.30 «Жаҳон ринги юлдузлари 30-да». Спорт дастури.
18.20 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.30 «Пляж». Саргузашт сериал.
19.20 «Қотиллик иллюзияси». Детектив сериал.
20.35 «Клип-совға».
21.30 Манажжимлар башорати.
21.35 «30-каналда шанба киноокшоми».
01.00 «Вероника салони». Комик сериал.
01.30 Тунги мусиқий канал.

РЖТ

8.00, 12.30, 15.50 — Мультфильмлар.
8.20 Михалков ва унинг командаси: Олег Меньшиков. «Покров дарвозалари» фильми. 1-серия.

(Давоми 6-бетда).

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР



(Охири. Боши 4-5-бетларда).

10.30 «Хонаки кутубхона».
9.45 «Руҳоний сўзи». Митрополит Кирилл.
10.00 Шу куннинг янгиликлари.
10.15 «100%» дастури.
10.45 «Тонгги почта» Юрий Николаев билан.
11.20 «Каламбур». Ҳажвий журнал.
11.50 «Смак».
12.10 Бир нодир асар тарихи.
13.00 Никита Михалков «Рассом хотинининг портрети» фильмида.
14.25 Ўн бешинчи Патриарх. «Ўзгаришлар ва синовлар даври».
15.00, 18.00, 23.15 — Янгиликлар.
15.15 «Хайвонот оламида».
16.10 «Ақлилар ва оқилалар».
16.35 1999 йил қўшиқлари.
17.20 Бу қандай содир бўлган эди? «ТУ-104» самолётининг Невага қўниши». 1963 йил.
18.15 «Аралаш-қуралаш» журналидаги қувноқ воқеалар.
18.40 «Кумушранг серия». «Табиб» фильми.
21.00 «Время».
21.35 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
23.30 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. Икки кишилик кураш. Трамплиндан сакраш. 90 м. Австриядан кўрсатилади.
00.25 Биринчи канал коллекцияси. «Бехаловат душанба» триллери.

РДТ

8.00, 9.30 — Мультфильмлар.
8.10 «Гелли ва Нок». Болалар учун фильм.
10.00 «Хайрли тонг, юртим!».
10.45 «Юзга бир». Телеўйин.
11.25 «Бир боқишда мухаббат».
12.00 «Подиум д.Арт».
12.30 «Наталья Варлейнинг уй-рўзғор ташвишлари».
13.00 «Санта-Барбарада бир ҳафта». Телесериал.
14.00, 20.00 — «Вести».
14.30 «Ҳукумат ҳафтаси».
14.55 «Аншлаг ва Ко».
17.05 Мотоциклда кор пойгалари бўйича Европа чемпионати.
18.00 «Меҳинг оилам».
19.00 «Бинафшаранг туман».
20.35 Мишель Пфайфер ва Алек Болдуин «Мафия билан турмушда» криминал комедиясида.
22.30 Евгений Миронов ва Наталья Петрова Валерий Тодоровскийнинг «Севги» фильмида.
00.25 «Қизиққон унлик».

ТВ-6

10.05, 20.05, 02.00 — «Йўл назорати».
10.20, 10.45, 16.20 — Мультфильм.
11.10 «Флиппер III». Сериал. 16-серия.
12.00 «Сирли орол». Сериал. 12-серия.
12.25 «Миллий география жамияти» билан саёҳат.
13.25, 01.25 — «Диск-канал».
14.00 Кичик тонгги шоу.
14.20, 17.30 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
14.30 «Мазаси оғзингда қолади» кўрсатуви.
15.00 «ТВ-6» кинотеатри. Л. Касаткина, Р. Биков «Жонгинам» фильмида.
17.00 «Бис». Ҳажвий дастур.
17.40 «Мен ўзим» ток-шоуси.
18.30 «Севсанг — қара». Видеоклиплар.
18.40 «Дам олиш куни» сериали. «Ёш Индиан Жонс хроникалари».
19.35 «ТВ-6 ҳудуди». А. Политковский дастури.
20.20 «ТВ-6» кинотеатри. И. Смоктуновский, А. Вертинская «Ўғирлик» фильмида.
23.00 «Ҳафта можаролари».
23.30 «СП-шоу».
24.00 «ТВ-6» кинотеатри. «Хезалак».
02.15 «ТСН-6».
02.25 — 03.50 «Плейбой».

ЯКШАНБА, 21

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".

***

8.30 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.15 "Мозийдан бир мўъжиза".
9.30 "Ёзувчи ва замон".
"Умид" намойиш этади:
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан!"
11.00 "Болалигим — пошшолигим".

***

11.30 "Қувноқ стартлар". Телемусобақа.
12.10 Вилоят хонадалари куйлайди.
12.30 "Шохруҳ" клуби.
12.55 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм. 6-серия.
14.05 "Саҳамлар саввари".
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 Футбол. Осиё кубок эгалари кубоги. "Пахтакор"-"Ал-Иттиҳод" (Саудия Арабистони). Танаффус пайтида - "Бахтиёр шаҳзода". Мультфильм.
16.50 "Ўзбектелефильм" намойиш этади. "Алла". Премьера.
17.10 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
17.35 "Сеҳрли шуъла". Кинокўрсатув.
18.00 "Куйла, ёшлигим".
18.25 "Оила". Тележурнал.
18.55 "Узлик". Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Санъат олами".
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 **МУЛОҚОТ: "МАҲАЛЛАНГ ОТА-ОНАНГ".**
22.15 "Телевизион миниатюралар театри".
22.50 "Якшанба оқшомида". Мусиқий-дам олиш дастури.
23.20 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
"Аср мўъжизаси" кинодастури.
23.35 Кино янгиликлари.
23.50 "Ўзбек киноси ижодкорлари".
00.10 "Парадизо" кинотеатри. Бадиий фильм. 2-қисм.
01.05-01.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 "Янги авлод" студияси намойиш этади.
9.00 "Ғаройиб Аляска". Маърифий дастур.
9.50 "Наволарда аён этсам".
10.05 "Лаззат".
10.25 "Бегойим".
10.45 "Сиз севган хонанда». Мавлуда Асалхўжаева.
11.05 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 22-қисм.
11.55 "Инглиз тили Сиз учун!"
12.25 Ватан ифтихори: Р.Қосимжоновнинг шахмат партиялари.
12.45 "Баҳодир шоҳ Зафар". Телесериал. 3-қисм.
13.25 "Синфдош".
13.45 "Дил рози". Мусиқий дастур.
13.50 "Кунг-фу тарихи". Телесериал.
14.35 "Интерфутбол".
15.05 Синема.
16.35 "Жаҳон жуғрофияси".
17.25 "Дунё ҳафта ичида".
17.45 "Шарқ эстрадаси".

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" студияси намойиш этади ("Бугуннинг боласи», «Мульттомоша»)
18.35 "Чет эл эстрадаси".
18.55 "Юртим кўрки".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Илк қадам". «Жозиба» гуруҳи.
19.40, 20.30, 22.50 Эълонлар.
19.45 "Баҳодир шоҳ Зафар". Телесериал. 4-қисм.
20.35 "Далил ва шарҳ".
20.45 "Мусиқа салтанати".
21.05 "Бари ҳазил".
21.20 "Очун".
21.45 «Миллионлар ўйини».
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Кинопрофи".
22.55 Синема. "Бен Тайлер иши".
00.25 «Файзли оқшом». Концерт дастури.
00.45 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Ерилтош". Мульттўплам.
9.25 Дилором наволар.
9.35 "Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари". Телесериал.
10.20 "Тасанно".
10.45 "Дурдона".
11.05 Болажонлар экрани.
12.30 "Спорт оламида".
12.55 "Таскин".
13.05 "Бева Бланка". Телесериал.
13.50 "Ёввойи табиат".
14.15-15.55 Такрорий фильмлар экрани.

***

17.55 "ДАРАКЧИ".
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 Мультжумбоқ.
18.35 "Ахборнинг саргузашти". Телесериал.
19.10 "Табриклаймиз, қутлаймиз!".
19.25, 20.00, 20.25 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Пойтахтимиз жамоли".
20.20 Манзарали фильм.
20.30 "Таҳлилнома".
21.10 "Даллас". Телесериал.
22.00 "Етти иқлим оҳанглари".
22.05 "Латифа".
22.20 "Жавоҳирлар соҳили".
22.40 "ДАРАКЧИ".
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 "Киноингоҳ".
00.40 "Хайрли тун, шаҳрим!"

ЎзТВ IV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
10.20 "Парле ву франсэ?"
10.45 "Жонли сайёра".
11.00 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
11.10 Оскар совриндорлари антологияси.
11.25-13.00 Кинематограф. "Саккиз ярим".

***

17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Бенни Хил шоуси».
19.00 Раъно Шарипова куйлайди.
19.50 Кинематограф. «Қўзғолончи». Бадиий фильм.

***

21.00 "Жонли тил".
21.30 "Бу ажиб дунё".
21.45 "Мюзик-холл".
22.05 Якшанба кинозали. «Ҳаракатдаги куч». Бадиий фильм.
23.35 "Таҳлилнома" (рус тилида)
00.05-00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

8.05 Ҳужжатли кино соати.
9.00, 13.05, 18.00, 20.10, 01.55 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
9.25 Болалар канали.
10.00 «Киноэртаклар».
11.20 «Коинот назорати». Болалар учун сериал.
11.45 «Ўйинчоқлар уйи». Компьютер ўйинлари ҳақида дастур.
12.00 «Тушки кино».
14.10 «Мактаб ўқитувчиси». Телесериал.
15.00 «Ҳали намойиш этилмаган премьера».
16.45 «Келинг, танишайлик».
17.15 Мультфильмлар.
18.20 «1/52». Спорт шарҳи.
18.30 «Пляж». Саргузашт сериал.
19.20 «Махфий ҳужжатлар». Сериал (АҚШ).
20.35 «Клип-совға».
21.30, 23.15 — «30-каналда якшанба кинооқшоми».
01.05 «Вероника салони». Комик сериал.
01.35 Тунги мусиқий канал.

РЖТ

8.00 Мультфильм.
8.15 Михалков ва унинг командаси: Олег Меньшиков. «Покров дарвозалари» фильми. 2-серия.
9.30, 17.00, 17.25 — «Диснейклуб».
10.00 Спорт янгиликлари.
10.15 Дм. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.10 «Тонг юлдузи».
12.00 Россияга хизмат қиламан!
12.35 «Янгра, гармонь!».
13.00 «Деҳқон ахборотномалари».
13.30 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
14.25 «Қулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Саёҳатчилар клуби».
16.00 «Симфоник сирлар». Мусиқий сериал.
16.30 Футбол шарҳи.
17.55 «Аралаш-қуралаш» журналидаги қувноқ воқеалар.
18.25 Михалков ва унинг командаси: «Жазирама қуёш остида» фильми.
21.00 «Время». Сергей Доренконинг ахборот-таҳлилий дастури.
21.50 «КВН-99». Сочидаги Х «КИВИН» фестивали.
23.50 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. Трамплиндан сакраш. 120 м. Австриядан кўрсатилади.
00.35 Маданият янгиликлари.
00.50 Роми Шнайдер ва Ив Монтан «Сезар ва Розали» фильмида.

РДТ

8.00, 9.00 — Мультфильмлар.
8.30 «Ватанимга хизмат қиламан!».
9.30 «РДТ почтаси».
10.00 «Хайрли тонг, юртим!».
10.30 «Ўз-ўзига режиссёр».
11.00 «Аншлаг» таништиради.
11.30 «Шаҳарча». Дам олиш дастури.
12.00 «Рус лотоси».
12.40 Леонид Куравлев «Китоблар олами билан».
13.00 «Санта-Барбарада бир ҳафта». Телесериал.
14.00 «Вести».
14.30 «Федерация».
15.10 «Парламент соати».
16.10 «Қонун ва тартиб». Телесериал.
17.00 «Жониворлар ҳақида мулоқотлар».
18.00 «Эски квартира». 1968—1988 йиллар.
18.55 «Мутлақо махфий».
19.55 Инна Чурикова «Казанов плашчи» мелодрамасида.
21.40 «Тезлик».
22.00 «Кўзгу».
23.05 «К-2» таништиради.
00.05 «Навбатчи қисм».
00.30 «К-2 кинозали». Бахтиёр Худойназаровнинг «Кош ба Кош» фильми.

ТВ-6

10.05, 20.05 — «Йўл назорати».
10.20, 10.55, 16.40 — Мультфильмлар.
11.25 «Флиппер III». Сериал. 17-серия.
12.15 «Сирли орол». Сериал. 13-серия.
12.40 «Диск-канал».
13.15 «Star старт».
14.00 «Ҳафтанинг олти янгилиги».
14.25 «ТВ-6» кинотеатри. Рональд Рейган "Бу армия» мюзиклида.
16.25, 17.35 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
17.10 «Канон».
17.50 «ОСП-студия».
18.40 Артур Крупенин шоуси.
19.35 «Юлдузлар юлдузлар ҳақида». Эстрада юлдузлари Армия куни билан қутлайдилар.
20.30 «Сиз — шоҳидсиз».
21.00 «Обозреватель» таҳлилий кўрсатуви.
22.05 «ТВ-6» кинотеатри. Рис Галкин, Михай Волонт. «Махсус эътибордаги зонада» жангари фильмида.
23.55 Премьера! Бизнинг мусиқа.
01.00 «ТВ-6» кинотеатри. «Бўрилар орасида».
02.40 — 03.10 «Қовға даври» Иван Кановн билан.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ

ишлаб чиқариш-техник йўналишдаги маҳсулотларни етказиб бериш юзасидан навбатдаги тендер ўтказилишини билдиради.

Ушбу тендерга капитал қурилиш объектлари учун меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига ва шаҳар хўжалигининг коммунал эҳтиёжларига мувофиқ бўлган металл прокати, пўлат қувурлар ва металл буюмларни етказиб бериш учун талабномалар қабул қилинади.

Тендернинг асосий шартлари:

— маҳсулот қиймати АҚШ долларида SIF-Тошкент шартларида, харидорнинг омбори;

— маҳсулот етказиб беришнинг бошланиши — шартномалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб бир ҳафта давомида;

— маҳсулотга ҳақ пул ўтказиш йўли билан тўланади;

— танлов таклифлари муҳрланган хатжилдда эълон чиққан кундан бошлаб беш кун мобайнида берилади;

— тендер ҳужжатлари тендер комиссиясига юборилган талабномалар асосида берилади.

Қўшимча маълумотни (371) 133-63-53 телефони орқали олиш мумкин.

«ШАҲАРЛАРАРО ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ АВТОСАРОЙИ»

ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

«Мерседес-Бенц», «Икарус», «Кароса» русумидаги автобусларни Самарқанд (Имом ал-Бухорий мадрасаси), Бухоро (Баҳоуддин Нақшбанд мадрасаси), Туркистон (Аҳмад Яссавий мадрасаси) шаҳарлари ва буюртмачининг хоҳишига кўра бошқа шаҳарларга экскурсия ва сайёҳлик хизматлари учун ажратади. Ҳақ имтиёзли шароитларда нақд ва пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Корхона телефонлари: 65-33-54, 65-35-55.

Манзил: Қибрай тумани, Гулзор шаҳарчаси (Қорасув-6 даҳаси рўпарасида).

Тошкент шаҳар Сирғали, Миробод 2-сонли ва Ҳамза тумани 3-сонли давлат нотариал идораларидаги нотариуслик лавозимига ўтказилаётган танлов 1999 йилнинг 18 февраль кунигача давом эттирилади.

1992 йилда Собир Раҳимов туманидаги 23-мактаб томонидан Наргиза Забихуллаевна Арипова номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳридаги 275-мактаб томонидан Шаҳноза Сафаева номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги О'R — Р № 007893 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Юнусобод даҳасининг 7-мавзесидаги таъмирдан чиққан икки хонали квартира

СОТИЛАДИ

Тел: 173-47-29.

25 сотихли, шундан 15 сотихи иссиқхона бўлган, барча қулайликларга эга 10 хонали планли уй

СОТИЛАДИ

Мўлжал: 3-автокомбинат яқинида, «Қумариқ» маҳалласи, чойхона, Ҳасан ва Зуҳрулла. Тел.: 57-98-26, 57-98-16, 78-22-82.

Магистрал иссиқлик трассасининг қурилиши муносабати билан 148-йўналишдаги автобус айланмаси 1,5 ой муддатга М. Турғунбоева кўчасидан Хўжаев кўчасигача кўчирилади.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси.

Тошкент патентлар бўйича вакиллар кичик давлат корхонаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида 75-92-58 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Шайхонтоҳур туманидаги «Ўғилой Х.Х.» хусусий фирмаси

ТУГАТИЛАДИ

Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Тошкент шаҳридаги 32-мактаб томонидан Санжар Абдуллаев номига берилган № 108863 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Наби Ғаниев номли Тошкент кинотехникуми маъмурияти техникум директори Ҳожимурод Ҳожиевга синглиси

Насиба ҲОЖИЕВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Биринчи Тошкент босмахонаси маъмурияти ва жамоаси босмахонанинг кекса ва жонкуяр ходими, касаба уюшмаси раиси

Тўхтасин Аҳмедхонович АЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент оқшоми

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 516 йиллигига

Атоқли ўзбек адиби ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари шарқ тарихий-адабий манбалари орасида юксак ва олий ўринга эгадир. Кўпчилик тадқиқотчилар ҳақли равишда шарқ мемуарчилик санъатида унга тенг келадиган бошқа бирор асар мавжуд эмаслигини эътироф этишди. Шу билан бирга «Бобурнома» Бобурнинг ўз давридаёқ бошқа адиблар учун ўрнак бўлиб, унга тақлид қилиб ва таяниб бир қанча асарлар яратилган. Шундай асарлардан биринг муаллифи Бобурнинг ўз қариндоши, яъни холасининг ўғли Мирзо Муҳаммад Ҳайдардир.

ФАЗИЛАТЛАРГА БЕЗАНГАН ВА БЕНАЗИР

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар 1499 йилда Тошкентда туғилган. У ўн ёшга етгач унинг отаси Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон 1509 йилда Хуросонда Шайбонийхон буйруғи билан қатл этилади. Бу вақтда Бухорода бўлган Мирзо Ҳайдарнинг ҳам ҳаёти хавф остида қолади. У отасининг дўстлари кўмагида Бадахшонга келади. Бундан хабар топган Бобур бу вилоят нотинчлигидан ташвишланиб, уни Кобулга ўз ҳузурига чақириб олади.

Мирзо Ҳайдар эсдаликларида ўша давр сиёсий-ижтимоий тарихидан ташқари маданий-маънавий ҳаётига доир маълумотлар ҳам кўп учрайди. У ўз замонасидаги жуда кўп машҳур тасаввуф аҳллари, олимлар, шоир ва санъаткорлар билан мулоқот қилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг аждодлари тўғрисида, «Мирзо Султон Абу Саиднинг уч ўғли Султон Аҳмад Мирзо, Султон Маҳмуд Мирзо ва Умаршайх Мирзога (Юнусхоннинг) иззат ва шараф чўққисида бўлган уч аслзода қиз(и) — Меҳр Нигорхоним, Султон Нигорхоним ва Қутлуғ Нигорхоним никоҳлаб берилди. Умаршайх Мирзонинг вилояти — Фарғона Мўғулистонга қўшни бўлгани жиҳатидан айниқса, Умаршайхга Юнусхоннинг меҳр-муҳаббати зиёда эди. Бобур подшоҳ туғилганида хушхабар етказиш учун Юнусхонга одам юборишади. Юнусхон Мўғулистондан етиб келди ва узоқ муддат бирга бўлишди. Бобурнинг сочини олишганида ҳар бири тўйлар қилиб беришди. Юнусхон ва Умаршайх шу қадар дўстлашган эдиларки, бундай дўстлик (бошқа) икки подшоҳга ҳеч қачон муяссар бўлмаган бўлса керак», деган қайдларни баён этган.

Бобур подшоҳ туғилган саккиз юз саксон саккизинчи йил, муҳаррам ойининг олтинчи кунини Улуғбекнинг уламоларидан бири Мавлоно Мунир Марғиноний унинг таваллуди тарихини «шаши муҳаррам», яъни муҳаррамнинг олтиси деб топди. Ҳазрати Эшон Хожа Убайдуллоҳ қуддиса сиррахудан (чақалоққа) ном қўйиб беришни сўрашди. У гўдакни Заҳириддин Муҳаммад исми билан бахтиёр этди. У пайтларда Чиғатойлар асосан кўчманчи бўлиб, ҳозиргидек савдогар халқ эмасдилар. Ва Заҳириддин Муҳаммад дейиш уларга қийинлик қиларди. Шу сабабли уни Бобур деб аташди. Хутба ва ёрлиқларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур деб аташади, лекин у кўпроқ Бобур подшоҳ номи билан машҳур бўлди. Унинг насаби Умаршайх Кўрагон ибн Султон Абусаид Кўрагон ибн Султон Муҳаммад Мирзо ибн Мироншоҳ Мирзо ибн Амир Темур Кўрагондир. Она томонидан эса Қутлуғ Нигорхоним бинти Юнусхон ибн Увайсхон ибн Шералихон ибн Муҳаммадхон ибн Ҳизрхожахон ибн Тўқлуқ Темурхондир. У турли фазилатлар билан безанган ва мақтовли ҳислатларга эга бўлган бир подшоҳ эди. Ушбу барча фазилатларидан шижоат ва муруввати устун турарди. Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур ёзган даражада ёзган эмас. Туркий тилда бениҳоят нафис девони бор. «Мубаййин» номли шеърий асар ёзган бўлиб, фиққа оид бу ғоят фойдали рисола одамларга мақбулдир. Туркий аруз-га оид асар битган бўлиб, ҳеч ким унгача туркий аруз ҳақида бу қадар аниқ ёзолмаган.

Унинг туркий тилда «Вақоеъ» номли тарихий асари жуда жонли, равон ва тушунишга осон бир тарзда битилган. Мусиқий ва бошқа санъатларда ҳам Бобурга тенг келадиган одам унинг хонадонида ундан олдин юзага чиқмаган эди.

Асомиддин ЎРИНБОЕВ,
тарих фанлари доктори,
Ғулом КАРИМОВ,
Шарқшунослик институти илмий ходими.

БОБУР

ҒАЗАЛЛАР

Кўрмағай эрдим жамоли олам аро, кошки,
Бўлмағай эрдим бори оламға расво кошки.
Ишқ боғининг ниҳоли ғам, бори хирмон эмиш,
Қилмағай эрдим бу гулшанни тамошо кошки,
Қилмағай эрди кўнгул ишқин ҳавас, бал тилга ҳам
Кечмагай эрди анингдек лафз асло кошки.
Қоши ёлар кўйида умри шариф этгунча сарф,
Қилғай эрдим масжиду меҳроб аро жо кошки.
Ихтиёр эт ўзга иш, Бобурки, ҳосил бўлмағай
Ишқу васлу айш ила ишратдин илло кошки.

* * *

Ғунчадек кўнглум менинг гулзор майли қилмағай,
Ғам била бутган кўнгул гулгашт ила очилмағай.
Ранга-ранга гулларингни, боғбон, арз этмаким,
Таҳ-батаҳ қонлиқ кўнгул гул орзусин қилмағай.
Йўқтур улким гул юзунгдин айру боқсам гул сари,
Ғунча янглиғ кўнглума юз хори ҳам санчилмағай.
Оразу қаддингни таъриф этсалар юз йил, ҳануз,
Эй юзи гул, сарвқад, юздин бири айтилмағай.
Сендин айрилдим эса бўлди насибим хори ғам,
Сендин, эй гул, эмди Бобур бир замон айрилмағай.

ОШИҚ ЎЛДИМ

(Бобур ғазалига муҳаммас)

Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна,
Йўқ, бўлди халоватим ул қаро қошдин яна!

Сен қамар ҳурлиқога ошиқ ўлдим, нетай, вале,
Ёшлигим буткул қайтиб, бошландим-ку бошдин яна!

Ишқ йўлида телбасен эртаю кеч эй кўнгил,
Розингга кўз тутармен, сен эй, паривалидин яна!

Ҳор этти қаро кўзинг, қилгил иложин, эй парий,
Соҳил бўйлаб қичқурурмен, отинг айтиб тождин яна!

Бошим олиб қай томон Икромдек кетардим, нетай?
Дилдорнинг савдоси тушти, бошима бошдин яна!

Икром АЛИ.

МАРД, НОЗИК ДИД, ДИЛБАР ШАХС

• Бобур — дилбар шахс... Уйғониш, даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган.

Жавоҳарлаъл НЕРУ.

• Бобур ботирлигининг чеки бўлмаган: унинг бутун ҳаёти жасорат намуналари билан тўлиб-тошиб ётибди.

Н. И. ВЕСЕЛОВСКИЙ.

• Биз Осиёдаги ҳукмдорлар ичидан Бобур сингари гениал ва талантли кишиларни камдан-кам учратамиз.

ЭРСКИН.

• Фарғоналик мард, нозик дид, Бобур исмли йигит Ганг текисликларимизгача етиб келган, буюк мўғуллар сулоласи аталган салтанатимизга асос солган...эди.

Ражив ГАНДИ.

Қатралар

МЕРОС

Яна қабрингиз ёнидаман, отажон. Кечиринг, мен баъзилар сингари мармар тош қўймадим. Унга номингизни ўйиб ёзмадим. Ўзингиз ҳам: «Кўз юмсам, менга мармар тош қўйма. Одамлар сенга яхши одобинг, меҳнатинг учун отангга раҳмат деса, мармар тошингдан улуғ-ку бу», — деган эдингиз. Қабрингиз ёнидаги ток тагидан нам аритмадим. Кўкарди. Бошингиз узра соябон бўлгач, паноҳида гуллар узоқ вақт очилиб тураверади. Ўз ишимдан қувониб кетаман. Йўқ, отажон, кечиринг. Аввал сиздан қувонишим керак. Сиз менга соҳибкорликни, ток зангидек ишда чайирлик, ҳалоллик, ҳақиқат йўлида курашишни ўргатдингиз. Ойдин йўлингиздан юриб юзим ёруғ, ноним бутун бўлди.

Менга қолдирган яхши хислатларингиз — улуғ меросингиз учун таъзим қиламан.

СУПУРГИ ВА БУРГАН

— Ҳадеб супургини мақтайверасизлар, унинг ишини мен ҳам қойил қилолмайманми? — ўдағайлаб ҳовлини супура бошлади бурган.

Афсуски, дув-дув тўкилган уруғларидан супурган жойи ифлосланиб бораверди.

— Ҳовлининг ўзи тозароқ эди. Қайтангга кўпроқ иш орттирдинг, — деди, бурганнинг кетидан белини маҳкам боғлаб ишга тушган мулойим супурги.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

Шарқ дурдоналари

ӨЗ-ӨЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР...

• Истеъдод эгаларини тарбиялаш шундай бир кимёдирки, у қора тупроқни тоза олтинга, ноқис тошни эса айбсиз гавҳарга айлантиради. Чунончи айтадилар:

Тарбиядан тупроқ гавҳар бўлади,
Ноф ичра кон мушки асғар бўлади.
Қийматсиз қора бир темирни иксир,
Тарбия айлагач соф зар бўлади!

• Азизим, ҳунар аҳлининг тарбиясига саъй-ҳаракат қил. Ҳунарсиз кишиларга отасининг хизмати туфайли эътибор қилма! Одамларни отасининг хизматлари туфайли эмас, ўзларида бўлган қобилият туфайли тарбиялаш лозим!

Байт:

Ўликдир ҳаётда ҳунарсиз киши,
Ҳунарсиз бўлгандан ўлгани яхши!

• Азизим, узоқни кўрувчи ақлни ва одамни безатувчи тафаккурни ҳар қандай ишда ўзинг учун одил ҳоким ва комил синовчи қилиб олки, инсонийлик шарафининг жавҳари бошқа ҳайвонлардан ақлининг ўткирлиги билан ажралиб туради.

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.

• Илм ва ҳунар ўрганиш инсон учун энг зарур нарсалардан ҳисобланади. Ҳар қандай нарсанинг моҳиятини англаш, жаҳондаги воқеаларнинг яхши-ёмон томонини билиб олиш, одамларнинг қадру қийматини тўғри тушуниш, оиланинг фаровон яшашини тўғри ташкил этиш, қисқаси, ҳар томонлама мукаммал бўлиш учун илм ва ҳунар ўрганиш зарурий эҳтиёжлардан биридир.

• Аёллар ҳам эрлар каби истеъдодга эга кишилар бўлиб, ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ бўлишларидан ташқари, оиланинг асосий тарбиячиларидир. Шундай экан, улар ҳам зарур илм билан қуролланишлари керак.

• Илм мартабаси мартабаларнинг зўридир, деган гап шубҳасиз тўғри. Қайси ерда илму маърифат кучли бўлса ўша ер бахт маскани ҳисобланади. Қайси ерда нодонлик мавжуд бўлса, у ер қуруқ ёки тошлоқ жой кабидир.

• Гўзал хулқ билан пайваста бўлган илм одамларни бахтиёр қилади, мартабасини баландлатади. Илмдан мақсад — кўркам ва эзгу ишларни амалга оширишдир.

Фахрудбанот СУЛАЙМОНИЯ.

• Илмнинг чеки йўқ, қанча кўп ўқисанг билмаган нарсаларинг шунчалик кўпаяверади.

• Шаъбий айтади:

— Илм бобида ниманики эшитсанг ёзиб қўй, қоғоз бўлмаса деворга бўлса ҳам ёз! Чунки ёдланган нарса унутилади, ёзилган нарса эса абадий қолади.

• Абу Бакр ал-Хоразмий ўлим тўшагида эди.

Ундан:

— Кўнглинг нимани хоҳлайди, иштаҳанг нимани тусамоқда? — деб сўрадилар.

У:

— Китоб юзига бир қарасам! — деди.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»дан.

• Агар одам учун ҳунар дарахтининг мевасига эҳтиёж бўлмаса ҳам, бироқ бир куни ҳунар унинг ҳаётини сақлаб қолишга асосий восита бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам оталар ўз фарзандларининг истеъдод уйини қобилият мулки билан безашга бор кучлари билан ҳаракат қилсинлар.

• Ҳунар саҳифасига рақам чекувчилар хўжаста сийратли ҳар бир юрт ва мамлакатдан қизил тилла сингари мўътабар, ширин сўзли, катта ва кичикнинг раҳматига муяссар бўладилар. Агар кишининг қўл остида қобилиятнинг тоза олтинидан бир дирҳам бўлса оғирчилик пайтларида ҳам унинг кўзи тама чанги билан булғанмайди ва рўзғор сандиғи бойликнинг кумуш-олтинидан холи бўлмайди.

• Ҳақиқий фарзанд ҳар бир соҳада ўз отасининг ҳукмига тобе бўлади.

Бардурхор ибн МАҲМУД.

• ҲИКМАТ. Қўшни ким ва қайси миллат бўлишидан қатъи назар уни ҳурмат қилмоқ ва қўшни ҳақ-ҳуқуқини адо қилмоқ одамийлик ҳислатларидан биридир. Қўшни итига сабабсиз тош отиш, мушугини ҳайдаш эса уни ҳақоратлаш билан баробардир.

Бир киши ўз дўстининг олдига келиб, уйида сичқон кўплигидан шикоят қилди. Дўсти унга мушук боқишни маслаҳат берди: У эса рози бўлмай: «Мушукни боқсам, уйимдаги сичқонлар қўшнимникига қочиб чиқармикан, деб кўрқаман», — деди. Ўзинг учун нимани нолойиқ деб ҳисобласанг уни ўзга учун ҳам раво кўрма!

• Эй азиз! Сен ҳеч қачон қўшнингга яхшилик қилишдан ғофил бўлма, улардан раҳму шафқатингни дариғ тутма. Сен лазиз таомларни еб, роҳатда яшасанг-да, қўшнинг очликдан қон ютиб, ғам-азобда яшаса, бу одамийликдан эмас!

Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР.
Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.

Диллашув

«СИРДОШИМ» ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН

Ҳаммамизга яхши маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан 1999 йил Аёллар йили деб эълон қилинди.

Мустақиллик йилларида АЁЛ оилада, жамиятда ўз ўрнини топди, ўз мавқеига эга бўлди.

Ҳар бир Аёл ўзича бир олам. Бир эшитганим, режиссёр бўлиб 30 йилдан кўпроқ вақт давомида телевидениеда ишлаётган, катта-катта тадбирлар ташкилотчиси, 150—200 одам таклиф этилган байрам кечаларининг бошқарувчиси Каромат Ғойибердиева бугунги қаҳрамоним. Қаҳрамонимни мен яна «Сирдошим» кўрсатуви орқали яхши биламан. Кадр ортидаги маънони, айни пайтда жўн ва самимий саволлари мени ўзига кўп марта ром этган. Ушбу кўрсатувнинг бир мухлисаси сифатида, қолаверса кўпнинг сиридан огоҳ бўлган бу Аёл билан суҳбат қилиш орзуси мени телерадиокомпанияга етаклаб келди. Кўзларидан ҳали ёшликнинг олови кетмаган, кўзларига шижоат мухрланган бу опа менга бир кўришдаёқ ёқиб қолди.

— Каромат опа, кўрсатувингизнинг номи «Сирдошим». Унинг яратилиш тарихи хусусида сўзлаб берсангиз.

— Бу кўрсатув илгарилари ҳам мухлислар эътиборига ҳавола этиларди. Айрим сабабларга кўра икки йилча танаффусдан сўнг мана яна «ойнаи жаҳон»да. Режиссёр сифатида кўрсатув орқали инсонларга инсон ҳақида, унинг ўй-кечинмалари ҳақида бироз бўлса-да сўзлагим келади. Биласизми, ишлаш жараёнида қатор кўрсатувлар қилдим. Лекин инсон ҳеч қачон ўз ишидан қониқмайди. Қониқдим деса шу лаҳзада ижод таққа-тақ тўхтайди. Телевидениенинг кучи шундаки, у тезкор, қаҳрамонларимнинг ички ҳолатларини мухлисларга бор ҳолича бера оламан. Унинг яратилиш хусусига келсак, бу нарса менда узоқ йиллардан буён мавжуд кечинмалар билан боғлиқ.

— «Бегойим» кўрсатуви айнан аёлларга бағишланган. Сиз яна «Фариштам», «Наволарда аён этсам», «Лавҳалар ортидаги лаҳзалар» ва яна бир қанча кўрсатувлар режиссёрисиз. Шогирдларингиз хусусида...

— Ижод изланишдан иборат. Вақт бир жойда турмайди. Ҳар қандай яхши кўрсатув ҳам вақт ўтиши билан такрорга ўхшаб қолади. Шунинг учун янгидан-янги кўрсатувлар тайёрлаш доимо фикримда туради. Шогирдларга келсак, улар кўп. Зулхумор Хўжаевани кўпчилик яхши билса керак. Қолаверса, мана «Бегойим» бошловчиси Нилуфар Умрзоқовага ишониб, кўрсатувни ўз қўлига топширдим.

Нилуфар УМРЗОҚОВА: Телевидениега янги ишга келган кезларим. Каромат опа билан ишлаш жараёнида энг яхши, моҳир режиссерга дуч келганимни англадим. Каромат опа нафақат қаттиққўл, талабчан режиссер, балки АЁЛ сифатида Аёлни тушунувчи инсон ҳамдир. Лекин ҳар қандай адолатсизлик бор жойда Каромат опа Каромат акага айланадилар (ҳазил). Иш тажрибамнинг бошиданоқ шундай режиссёр билан ишлаганимдан, кўп нарса ўрганганлигимдан хурсандман.

— Кўрсатувингизнинг номидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сиз қаҳрамонларингизнинг барча сирларидан огоҳсиз. Ўзингизнинг «сирдош»ингиз борми?

— Менинг сирдошим йўқ. Лекин қайси маънода. Инсон ҳаётида касб катта ўринда туради. Турмуш ўртоғим ҳарбий учувчи. Касблар хилма-хил. Менинг энг яқин сирдошларим — иккита опам. Йиғилишиб қолсак, тунлар тонгларга уланади, гапимиз тугамайди. Ана шундай сирли тунлардан сўнг ўзимни жуда енгил сезиб, ҳаёт жумбоқлари ўз-ўзидан ечилиб кетаверади.

Ҳаёт-да, бу. Инсон гоҳида боши берк кўчаларга кириб қолади. Дардларини ичида олиб юрган кўши маънан ҳам, руҳан ва жисман ҳам эзилади. Сирлашиш — кишини енгил торттиради, кўнглини, қалбинӣ даволайди.

— Аёллар йилидаги ижодий режаларингиз?

— «Сирдошим» кўрсатуви менга жуда азиз. Шу кўрсатувга бор илҳомимни берганман, қаҳрамонларим сирлари кўнгил мулкимга айланган. Ушбу кўрсатувни тарк этмаган ҳолда унга қарама-қарши бўлган янги бир кўрсатув қилиш ниятим бор.

Суҳбатдош Муқаддас ЮСУПОВА.

Бека

МАСЛАҲАТЛАР

• Пиёз суви билан юзингизни артсангиз сепкилларни йўқотади.

• Картошка шарбати қўл ва оёқдаги эдоқларга ҳамда куйганга даводир.

• Барра карам шарбати билан бошингизни ювсангиз, сочларингиз ўсади.

• Тузланган нордон карам шарбати эса юз ва бўйиндаги ҳуснбузарларни кетказади.

• Баданнинг офтобда куйган жойига сабзини қирғичдан ўтказиб суртиш керак.

• Борди-ю совуқда қўлларингиз қизарса, ёрилиб кетса, дарҳол икки дона қайнатилган картошкани эзиб, унга 5 томчи глицирин, 5 томчи бодринг ёки лимон шарбати аралаштиринг. Ҳосил бўлган малҳамдан ҳар куни кечқурун 15 дақиқа қўлингизга суртиб қўйинг. Қўлларингиз ипакдек юмшоқ бўлиб қолади.

АЗИЗАХОН.

Турфа олам

ТАОМ-КИТОБ

Японияда 7 бетдан иборат таом китоб чоп этилган эди.

У айнан таомлар ҳақидаги китоб эмас, аксинча уни истеъмол қилиш мумкин. Унинг саҳифаларидан кўпроқ саргузашт асарлар жой олган. Худди бадиий китоблар сингари варақланади. Китобни ўқиб бўлиб, бемалол ейиш мумкин. Чунки у босмахона бўёғидан эмас, балки махсус таом қоришмасидан тайёрланган. Унинг мазаси ширин-тахирроқ бўлиб, инсон организми учун зарарсиздир. Китоб-таомнинг биринчи туркуми 79 минг нусхада нашр этилган.

ПЛАСТМАССА ГАЗЕТА

Сув остида юрадиган юввослар ўзлари учун яратилган янгиликдан юпат мамнун бўлишди.

Улар учун Франциянинг Гавр шаҳрида «Ғоввос овози» номли пластмасса газета чоп этиладиган бўлиб, эндиликда сув остидаги ғоввослар худди қуруқликда юрган инсонлар каби янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлишади.

Гулбаҳор МЎМИНОВА тўплаган.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: ҳатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-094. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6